границу наличной национальной и иностранной валюты. Также регламентированы права и обязанности органов валютного контроля – Центрального банка, Счетной палаты, Минфина, ГНК и ГТК – в данной области. В частности, они могут проводить проверки и требовать предоставления документов, но только непосредственно относящихся к проводимой валютной операции.

В свою очередь, проверяемые вправе знакомиться с материалами проверки, обжаловать действия контролирующих органов и требовать возмещения причиненного ими реального ущерба.

На современном этапе в банковской системе в целом происходят масштабные реформы: совершенствуется организационная структура банков, корпоративное управление и деятельность Наблюдательных советов. Предполагается постепенное расширение участия частного сектора в банковской сфере через повышение инвестиционной привлекательности. Новая версия Закона Республики Узбекистан «О валютном регулировании» – также один из аспектов совершенствования деятельности банковско-финансового сектора республики.

**Материал подготовил
Фуркат Ниязов.**

” Марказий банк Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор бўлиб, Сенат Марказий банкнинг йиллик ҳисоботини аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан бирга кўриб чиқади.

» ФИКР


Умид Валиев,
Ўзбекистон Республикаси
ТИФ Миллий банки
Бошқаруви Раисининг
Ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан янги таҳрирдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (05.11.2019 й. № ЎРҚ-580) ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (11.11.2019 й. № ЎРҚ-582) қонунлар тасдиқланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (22.10.2019 й. № ЎРҚ-573) ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирувчи «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги (01.11.2019 й. № ЎРҚ-578) қонунлар имзоланди.

Албатта, ҳар бир қонун тўғрисида хўп ва кўп фикр билдириш мумкин, лекин асосий эътиборни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга қаратсак, хусусан:

1. Аввалги таҳрирда банк фаолиятининг мақсадини белгилайдиган модда мавжуд эмас эди.

лантиришга, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тизими самарадорлигини ошириш учун инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга ва умуман банк тизимини ривожлантиришга кўмаклашади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида шуни айтиш лозимки, мазкур қонун мамлакатимизда банк тизимини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий ҳужжат сифатида тизимни барқарор ривожлантириш ва хорижий амалиётни қўллаш орқали улар фаолияти самарадорлигини ошириш билан омонатчилар ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, банклар барқарорлиги ва улар ўртасида самарали, соғлом рақобатни таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Қонун илғор хорижий тажрибалар, умумэтироф этилган норма ва стандартлар ҳамда халқаро Базель қўмитасининг «Банк назоратининг асосий принциплари» асосида банк фаолиятни амалга ошириш, банк тизими барқарорлигини таъминлашда Марказий банкнинг назорат ваколатларини инобатга олган ҳолда тубдан янгиланганлиги эътирофга сазовор.

Қонунда банклар мустақиллигига доир амалдаги талаблар кучайтирилиб, давлат ҳокимияти органларининг банклар фаолиятига аралашмаслиги, давлатнинг банк ва банкнинг давлат мажбу-

риятлари учун жавоб бермаслиги қайд этилди.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, уларнинг кредит билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, банк раҳбар ходимларини тайинлашга аралашши, шунингдек, банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланиши аниқ ёзиб қўйилган.

– Демак, бундан буён банкларни турли ҳомийлик, хайрия ва ҳоказоларга мажбуран жалб этиш тақиқланади, шундайми?

– Бу норманинг киритилиши айнан шуни назарда тутди. Бу, яъни банкларнинг молиявий ишларига аралашмаслик банкларнинг молиявий соғломлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим тамойилларидан бири эканлиги ҳозирги вақтда кундек равшан бўлиб турибди.

Шунингдек, пул маблағларини омонатларга жалб этиш фаолияти билан шуғулланишга фақат банклар ваколатли эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Банк ташкил этиш учун устав капиталининг бошланғич энг кам миқдори **юз миллиард сўм** бўлиб, банк ҳисоб рақамида сақланиши белгилаб қўйилмоқда. Бу ҳам банк молиявий ҳолатини яхшилашга кўмаклашиши табиий.

Қонунда банклар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши ҳам банк фаолиятига рухсат беришда энг зарур шартлардан бири қилиб белгиланди.

» Пул маблағларини омонатларга жалб этиш фаолияти билан шуғулланишга фақат банклар ваколатли эканлиги алоҳида кўрсатилган.



” Қонунда банклар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши ҳам банк фаолиятига рухсат беришда энг зарур шартлардан бири қилиб белгиланди.

Мамлакатимиз ҳудудида банклар филиалларини ташкил этиш, уларнинг ваколатхоналари ва бўлинмаларини очиш талаблари банклар мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан соддалаштирилган.

Банкларга қонунга зид бўлмаган ҳолларда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Қонунда чет эл банкларининг Ўзбекистон Республикасида очадиган ваколатхоналари Марказий банк томонидан аккредитация қилиниши ҳам назарда тутилган. Ўз навбатида, Марказий банкнинг рухсатномасига биноан мамлакатимиз банкларининг чет элда шуъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар очиши, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши тартиб-таомили ҳам белгиланди.

Шунингдек, халқаро тажриба ва Жаҳон банки тавсиясига биноан Қонунга банк корпоратив бошқаруви тўғрисида алоҳида боб киритилди. Шу билан бирга, банк кузатув кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банк соҳасига қўйилаётган янги талаблар асосида такомиллаштирилди. Банк кузатув кенгаши аъзолари сони, акциядорлар сонидан қатъи назар, беш кишидан кам бўлмаган тоқ сонда бўлиши белгиланди.

Қонун банк хизмати ва операцияларининг айрим турларини банк томонидан шартнома ёки узлуксиз асосда амалга

ошириш учун учинчи тарафга аутсорсингга топшириш, Марказий банк томонидан банкларда ўтказиладиган текшириш ва баҳолаш жараёни, пруденциал назорат дастури ва бошқа назорат чоралари, вақтинчалик бошқарувчи каби янги меъёрлар билан тўлдирилган.

Қонун қарз олувчи кредитни қайтариш бўйича шартномада белгиланган талабларни бузган ҳолларда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада назарда тутилган тартибда муддатидан олдин ундириш ҳамда ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишга банкларнинг ҳақли эканлиги тўғрисидаги меъёр билан тўлдирилганлигини алоҳида қайт этиш лозим.

Ушбу қонун талабларини бузганлик учун МБ томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар алоҳида бобда келтирилмоқда. Чора ва санкциялар қўпол, жиддий ва жузъий қоидабузарликларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида жарима ва санкциялар белгиламоқда. Бу, албатта, тижорат банкларининг маъсулиятлилигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда Қонун банклар ва банк фаолияти қонунчилик асосларининг янада такомиллашуви, банк тизими ривожланиши, банклар ўртасида соғлом рақобат таъминланиши, омонатчи ва банк хизматидан фойдаланувчилар манфаатлари ҳимоя қилиниши ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига хизмат қилади.

” ФИКР

2. Янги таҳрирда қонун халқаро шартнома нормаларига зид бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши аниқ белгиланган;

3. Янги таҳрирда Банкнинг таърифи ўзгартирилди, шунингдек, 6-моддада Омонат таърифи берилди.

4. Янги нашрда банклар гуруҳи, банк ҳисобварағи, банкнинг барқарор молиявий ҳолати, билвосита эгаллик қилувчи (олувчи), муҳим аҳамиятга эга ходимлар, пруденциал назорат, регулятив капитал, тизимли аҳамиятга молик банк, чет эл банки, ҳал қилувчи эгаллик тушунчалари киритилди.

5. Банклар томонидан олиб бориладиган молиявий операциялар рўйхати хизматларнинг янги турлари, жумладан, мол-мулк ва активларни ишончли бошқариш, тозаланган қимматбаҳо металларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда ҳосилавий молиявий воситалар билан операцияларни ўз ичига олади. Банк Марказий банкдан рухсат олгандан сўнг, хизматларнинг айрим турларини ва операцияларни ташқи манбалар билан таъминлаш ҳуқуқига эга.

6. Янги нашрда Омонатнинг таърифи 6-моддада алоҳида қайд этилган ва кенгроқ маънога эга бўлди.

7. Банк фаолиятини тақиқловчи ёки чекловчи рўйхат кенгайтирилди. Кредиторлар ва омонатчиларни ҳимоя қилиш учун қонунда

Давоми 26-бетда.

” ФИКР
**Давоми. Бошланиши
24-25-бетларда.**

банклар томонидан тақиқланган ёки чекланган фаолият турлари санаб ўтилган.

8. Янги нашрда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига аралашуш тақиқланганлиги аниқ кўрсатилган.

9. Аввалги нашрда давлат ва банкларнинг мажбуриятларини чегаралашни тартибга солувчи модда мавжуд эмас эди.

10. Янги нашр ахборот алмашиш ва банк фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳамкорликда ҳал этишни тартибга солади.

11. Давлат корхоналарининг банк устав капиталида қатнашиши учун чекловлар ўрнатилди.

12. Банкларнинг энг кам устав капитали 100 млрд. сўм миқдорига белгиланди. Қонуннинг олдинги версиясига кўра, у Марказий банк томонидан белгиланар эди;

13. Янги нашр банкка лицензия бериш тартибини белгилайди. Унда банк очиш учун олдиндан рухсат олиш тартиби батафсил очиб берилди.

14. Янги нашрда хорижий таъсисчилар банк очганда ёки банкнинг устав фондида қатнашганда уларга қўйиладиган қўшимча талаблари, лицензиялаш органлари билан маслаҳатлашув тартибини белгиловчи моддалар киритилди.



**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки**

Баҳодир Исмоилов,
*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Юридик департаменти
бошқарма бошлиғи*

– Банк соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар янги таҳрирда қабул қилинишига қандай объектив омиллар сабаб бўлди?

– Сўнги икки-уч йил ичида соҳадаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган вақтдан буён салкам чорак аср ўтибди.

2019 йил 5 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди. Мазкур Қонун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Жаҳон банки кўмагида илғор хорижий тажриба, умумэтироф этилган нормалар ва стандартлар асосида ишлаб чиқилди. Қонун банк фаолиятига рухсат бериш шартлари ва республика ҳудудида ушбу фаолиятни амалга ошириш борасидаги муносабатларни тартибга солади. Қонун билан Марказий банкнинг банкларни пруденциал назорат қилиш талаблари, қўлланадиган восита ва тартиб-таомилларни белгилаш борасидаги ваколатлари тартибга солинмоқда.

Шунингдек, Қонун билан молиявий операциялар рўйхати илгари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган янги хизмат турлари билан кенгайтирилмоқда. Шунингдек, банкларга айрим хизмат ва операциялар турла-



рини аутсорсингга топшириш ҳуқуқи берилмоқда.

Маълумки, банк жалб этиладиган маблағлар билан операцияларни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади, шу боис Қонун билан банк таъсисчиларининг ишбилармонлик обрў-этибори ва аввалги фаолияти натижадорлигига нисбатан талаблар ўрнатилмоқда.

Банкларнинг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида банкнинг кузатув кенгаши ва бошқарувининг вазифа ва ваколатлари белгилаб берилди. Шунингдек, Қонунда банклар фаолиятининг янада очиқлигини, банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни ошкор қилиш орқали банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман олганда, ушбу Қонун омонатчиларнинг ҳамда банк хизматлари истеъмолчиларининг, қолаверса, барча манфаатдор томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда банкларнинг барқарорлиги ва улар ўртасидаги эркин рақобатни яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

2019 йил 12 ноябрда иккинчи муҳим ҳужжат – «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун ҳам янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонуннинг 1995 йилда қабул қилинган таҳриридан

фарқли ўлароқ, янги таҳририни ишлаб чиқишда сўнги вақтларда Марказий банкнинг алоҳида эътиборида бўлган масалалар, яъни иқтисодиётда нархлар барқарорлиги, банк тизими ва тўлов тизимлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш кабилар ҳисобга олинган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Қонуннинг янги таҳрири Халқаро валюта фонди мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, бунда хорижий давлатлар, хусусан, Россия, Швейцария, Польша, Грузия ва бошқа мамлакатлар марказий банкларининг илғор тажрибасидан унумли фойдаланилди.

ХВФ тавсиялари инobatга олиниб, Марказий банкнинг ваколатлари янгиландики, банклар, нобанк кредит ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаш ташкилотлари ва банклар гуруҳларининг фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилишда асослантилган мулоҳазадан фойдаланиш, шунингдек, валюта, қимматбаҳо металллар ва бозор инструментлари қаторини кенгайтирган ҳолда молия бозорларида спот ва форвард операцияларини амалга ошириш каби ваколатлар шулар жумласидандир.

Қонун билан Марказий банкнинг самарали ва замонавий пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги функциялари кенгайтирилди ва янгиланди. Шунингдек, инфляция даражасини мониторинг, таҳлил ва прогноз қилиш, банк тизими ва пул-кредит кўрсаткичлари ҳамда ташқи сектор статистикаси, шу жумладан, тўлов баланси, республиканинг халқаро инвестицион позицияси, ташқи қарзи ва олтин-валюта захира-

” ФИКР

15. Янги нашр лицензия олишда давлат божини белгилайди. (Банк устав капиталининг 0,1%и миқдориди).

16. Янги таҳрирда банкни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ва лицензия бериш учун асослар рўйхати кенгайтирилди, банк акцияларига эгалик қилишга рухсат бериш ва чеклаш, шунингдек, банкнинг ўз акцияларини сотиб олиши тартиби киритилди.

17. Банк корпоратив бошқарувининг янги органи – Банкнинг кузатув кенгаши тушунчаси киритилди.

18. Ҳужжатда капиталнинг етарлилик коэффициенти, қарз олувчига ёки қарз олувчилар гуруҳига тўғри келадиган энг юқори хавф, йирик кредит таваккалчилиги ва инвестицияларнинг максимал ҳажми, тармоқлар бўйича концентрация коэффициенти, ликвидлик коэффициенти ва бошқа пруденциал (эҳтиёткорлик) нисбатлар келтирилган.

19. Янги нашрда Марказий банк банклараро операциялар учун чеклов белгилаши келтирилган.

20. Янги нашрда аудитнинг мақсадлари кўрсатилган. Шунингдек, аудит Марказий банкнинг талабига биноан ўтказилиши мумкинлиги қайд этилган.

21. Янги нашр Марказий банк лицензияни қайтариб олиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхатини кенгайтирди, банк тўловга лаёқатсиз деб

Давоми 28-бетда.

» ФИКР
**Давоми. Бошланиши
24-27-бетларда.**

эълон қилинган ҳолатлар ҳам кўрсатилган ва бошқалар.

Кези келганда шуни айтиб ўтишим керак, Ўзмилийбанк тизимида иқтидорли кадрлар танловининг замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва сифатли кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида банк Бошқаруви ташаббуси билан «Ўзмилийбанк Интеллектуал Лигаси» ташкил этилган.

Лигадан кўзланган асосий мақсад ходимларни банк, молия, пул-кредит ва валюта муносабатларига оид қабул қилинган ва янги таҳрирдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, интеллектуал ва касбий салоҳиятини намоён қилиш учун шароитлар яратиш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, жамоа билан ишлаш маҳоратини оширишдан иборат. Лига баҳслари 2019 йил давомида бўлиб ўтди ва финал турнири тўлиғича юқорида қайд этилган янги таҳрирдаги қонунларга бағишланди.

Республикамиз банк тизимини янги босқичга олиб чиқишда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, шунингдек, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрири муҳим аҳамият касб этади, албатта.

» Қонунда эркин шаклланувчи алмашув курси режими шароитида ички валюта бозорига интервенциялар валюта курси кескин тебранишларининг олдини олиш мақсадидагина амалга оширилиши кўзда тутилган.

си тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва эълон қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Марказий банк Бошқаруви таркиби, аъзолари сони ва ваколатларига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, эндиликда Марказий банк Бошқаруви тўққиз аъзодан, яъни Бошқарув Раиси ҳисобланувчи Марказий банк Раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, шунингдек, икки нафар мустақил аъзодан иборат бўлди.

Янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ Марказий банк Бошқаруви келгуси йил учун пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини, шу жумладан, ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилиш параметрлари, Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкалари ҳамда асосий фоиз ставкаси даражасини белгилайди ва тасдиқлайди, шунингдек, мажбурий захира талаблари меъёрлари, ажратиладиган кредитлар бўйича таъминот турлари рўйхати, банклар учун пруденциал меъёрлар ва бошқа ваколатларни ўрнатади.

Қонундаги асосий янгиликлардан бири Марказий банкнинг жамоатчилик билан алоқалари масаласидир. Нархлар ва молиявий барқарорликни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида Қонун билан Марказий банк фаолияти шаффофлигини оширишга қаратилган фаол коммуникация

сиёсатини юритиш асослари белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва иқтисодиёт субъектларининг Марказий банкка бўлган ишончини ошириб, иқтисодиётда инфляция ва инфляцион кутилмаларни самарали бошқаришда ижобий самара беради.

Қонунда эркин шаклланувчи алмашув курси режими шароитида ички валюта бозорига интервенциялар валюта курси кескин тебранишларининг олдини олиш мақсадидагина амалга оширилиши кўзда тутилган.

Янги таҳрирдаги Қонунда Марказий банкнинг ички назорат органи ҳисобланувчи ички аудит хизмати ташкил этилиши ва унга Марказий банк таркибий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш вазифаси юклатилиши, шунингдек, халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ташкилотлари томонидан ҳар йили ташқи аудит ўтказилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишда қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга қонунларни қабул қилиш талабидан келиб чиқилди. Қонун ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Сарвар Мамедов,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Юридик департаменти
етакчи юрисконсулти

– «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган вақтдан буён ҳам тизимда салмоқли ўзгаришлар юз берди ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинган эди.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги асосий ўзгаришлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз:

Биринчидан, резидентлар ҳисобланадиган шахслар рўйхати кенгайтирилди.

Иккинчидан, мамлакат ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланиши тақиқланди. Резидентлар ўртасида амалга оширилиши рухсат этилган валюта операциялари рўйхатига ҳам айрим ўзгаришлар киритилди.

Учинчидан, резидентларга чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш тартибига ўзгаришлар киритилди. Жисмоний шахсларга чекловлар олиб ташланди.

Тўртинчидан, ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш белгиланди.

Бешинчидан, валюта операцияларининг янги турлари киритилди ва уларнинг рўйхати кенгайтирилди.

Олтинчидан, миллий ва хорижий валютани чегарадан олиб ўтиш қоидаларига ўзгаришлар киритилди.

Еттинчидан, мазкур соҳадаги валютани назорат қилувчи ор-

ганлар – МБ, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, ДСҚ, ДБҚнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланди.

Шунингдек, 1 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли Қонуни маъқулланди. У 2020 йил 1 февралдан кучга киради ва шу вақтдан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 ноябрдаги «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Янги Қонунга тўлов тизимларига ва уларнинг таркибий қисмларига бўлган талаблар, тўлов тизимларини назорат қилиш ва кузатиб бориш, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларини лицензиялаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш, электрон пул бозорини тартибга солиш ва электрон пул эгаларини идентификациялаш тартиби ҳамда тўлов тизимларида хавфсизлик ва ахборот муҳофазасини таъминлашга доир нормалар киритилган. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан республикамизда тўловларнинг узлуксиз амалга оширилиши ва инновацион технологияларнинг кенг жорий қилиниши, шунингдек, тўлов тизимларининг самарали, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш имконияти яратилди.

” ФИКР



Рустам Карабаев,
АТБ «Universal bank»
Бошқаруви раиси
ўринбосари

Банк фаолиятини тартибга солувчи асосий қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилинганлиги аниқ вақтида амалга оширилган иш бўлди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда банк тизимида, айтиш мумкинки, кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Валюта конвертацияси ва нақд пул муомаласи эркинлаштирилиши, мижозлар учун янгидан янги банк маҳсулотларининг тақдим этилиши, онлайн-кредитлар, рақамли банк технологиялари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банкларнинг мустақиллиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилганлиги, давлат идораларининг банклар фаолиятига аралашуви ман этилгани муҳим афзалликлардан, деб ўйлайман.

Банк соҳаси қонунчилигида юз берган ўзгаришлар ҳозирдаёқ ижобий таъсирини кўрсата бошлади ва, ишонимизки, яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалишига кўмаклашади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

2008 йилда рўй берган глобал молиявий инқироз оқибатида ривожланган давлатлардаги банк тизимининг молиявий таназзулни бошдан кечириши уларда йўлга қўйилган корпоратив бошқарув тизимининг заифлигини ҳамда уни ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Шундан сўнг, 2010 йилда банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан молиявий инқирознинг олдини олиш асосларидан бири деб баҳоланган банкларда корпоратив бошқарув тизими қайта кўриб чиқилиб, у янада такомиллаштирилди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мамлакатимиз учун иж-



Ниёз Хазраткулов,
«Туронбанк» АТБ Гулистон филиали бошқарувчиси,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

тимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири дея эътироф этилаётганлиги ҳамда банк фаолияти рисклар билан доим боғлиқлиги боис, банк тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини, банк Кенгашларининг ролини ва масъулиятини ошириш, шунингдек, банк фаолиятидаги рискларни тўғри баҳолаш ва бошқариш учун риск-менеджментни халқаро талабларга мос ҳолда такомиллаштириш дол-

зарб вазифалардан бирига айланди.

Мамлакат иқтисодиётининг локомотиви бўлган банк тизимининг самарали фаолият кўрсатиши уларда ташкил топган корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқдир. Шу боис банк тизимининг фаолияти ўзига хос бошқарувни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли фармони ҳамда ПҚ-4112-сонли қарорига асосан мамлакатимизда давлат активларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш асослари белгилаб берилди.

Президентимиз томонидан қайд этилганидек, давлат иштирокидаги корхоналарда бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, уларнинг солиқ ва божхона, шу жумладан, яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқ бўлиб қолганлиги, аксарият ҳолларда стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, кўплаб фаолият соҳасига





Мамлакат иқтисодиётининг локомотиви бўлган банк тизимининг самарали фаолият кўрсатиши уларда ташкил топган корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқдир. Шу боис банк тизимининг фаолияти ўзига хос бошқарувни талаб этади.

тааллуқли бўлмаган активлар мавжудлиги сабабли давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибadorлиги пастлиги кузатилди.

Бугунги кунда республика-мизда жами 30та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 13тасининг устав капиталида давлат иштироки мавжуд.

Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли экандир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривож-

лантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли Қарори қабул қилиниши мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш имконини берди.

Бир қатор Халқаро молия ташкилотлари, экспертларни жалб этган ҳолда тизимга янги ёндашувлар, замонавий менежмент ва янги турдаги маҳсулотлар олиб кириш, банк соҳасидаги ташкилотларнинг илғор тажрибалари ўзаро алмашинуви йўлга қўйилади. Ушбу ўзгаришлар молия-банк тизимидаги ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, аҳоли ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар тур-

ларини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва бошқариш усуллари ўзгара бошлади. Корпоратив бошқарув андозаларини жорий этишнинг иқтисодий жиҳатлари, корпорациялар бошқарувининг самарали тизимини шакллантириш, бошқарувнинг тамойиллари, уни тузишга таъсир этувчи омиллар каби масалалар долзарб тус олди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган кўп укладли иқтисодиёт ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиб, мулк ўз эгасини топаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Янги шаклланган мулкчилик ўз навбатида уларни бошқаришда ҳам жаҳон тажрибасига таяниб, бошқаришнинг янги, яъни корпоратив бошқарув усулига ўтишни тақозо қилмоқда².

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларини ислох қилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, маъмурий-режали иқтисодиётдан ҳўжалик юритишнинг бозор моделига ўтишнинг муҳим воситаси хусусийлаштириш ва акциялаштириш бўлиб, бу ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланишига ва хусусийлаштирилган мулкни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь.

² Д. Суюнов. Корпоратив бошқарув ва менежментнинг назарий асослари // Бозор, пул ва кредит / 09(184) 2012// 66-бет.

Ўзбекистонда ҳам миллий корпоратив бошқарувни шакллантириш борасида хориж тажрибасини тадқиқ этиш, уларнинг шу соҳада тўплаган бой тажрибасини ва корпоратив бошқарув моделларини ўрганишда мамлакатимиз шароитига корпоратив бошқарув тизими ва моделларининг биронта тури мос келмагани, шу боис корпоратив бошқарув миллий моделини шакллантиришга эҳтиёж сезилганини қайд этиш лозим.

корпоратив бошқаришнинг самарали усуллари жорий этилишига хизмат қилган.

Шу ўринда Ўзбекистонда ҳам миллий корпоратив бошқарувни шакллантириш борасида хориж тажрибасини тадқиқ этиш, уларнинг шу соҳада тўплаган бой тажрибасини ва корпоратив бошқарув моделларини ўрганишда мамлакатимиз шароитига корпоратив бошқарув тизими ва моделларининг биронта тури мос келмагани, шу боис корпоратив бошқарув миллий моделини шакллантиришга эҳтиёж сезилганини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув миллий моделини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш зарур:

1. Корпорацияларда мулкни қайта тақсимлашнинг узлуксиз жараёни.

2. Кўплаб инсайдерлар (менежерлар ва йирик акциядорлар)нинг корпорация активларини хусусийлаштириш ва молиявий оқимлар назорати билан боғлиқ ўзига хос мотивациялари.

3. Корпоратив бошқарувда аънавий «ташқи» механизмларнинг суст ёки ғайриодатий роли (қимматли қоғозлар бозори, банкрот, корпоратив назорат бозори).

4. Акциядорлик капиталида давлат улушининг катталиги ҳамда бошқарув ва назорат борасида келиб чиқадиган муаммолар³.

Миллий иқтисодий таркибий қайта қуриш масаласи иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, бу йўналишда нафақат республика иқтисодийнинг хомашёга йўналганлигини ўзгартириш, балки аҳолини зарурий истеъмол товарлари билан таъминловчи рақобатбардош корхоналарни ривожлантириш талаб этиларди.

2014 йил 6 майда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Қонунда миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқарув қарорларни қабул қилиш тартиби, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб корпоратив маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш кабилар ўз аксини топган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув органларига қуйидагилар киради:

◆ Акциядорлар умумий йиғилиши;

◆ Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши);

◆ Ижроия органи.

Корпоратив назорат органларига қуйидагилар киради:

◆ Тафтиш комиссияси;

◆ Аудиторлик ташкилоти.

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон миллий корпоратив бошқарув модели тузилмаси 1-чизмада келтирилган кўриниш билан изоҳланади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, қуйидаги замонавий тенденцияларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

◆ «назорат қилувчи акциядорлар» ва «менежерлар»нинг ягона стратегик мақсад сари бирлашуви;

◆ миноритар акциядорларнинг манфаатлари ҳисобга олиниб, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштироклари таъминланиши;

◆ акциядорлик капиталининг бир жойга тўпланиши, ундан самарали фойдаланилиши ва унинг устидан назоратнинг бирлаштирилиши;

◆ акциядорлар ўз ҳуқуқлари учун курашининг кучайиши ва ўз ролини англаши.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан


³ Г.М. Остонақулова, С.С. Одилова. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш истиқболлари // «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. №6, апрель, 2013 йил, 2-бет.

Ўзбекистонда миллий корпоратив бошқарув тузилмаси

ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони қабул қилинган. Фармонда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган:


- ◆ халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- ◆ чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;



Манба: Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни асосида муаллиф томонидан тайёрланган.






◆ эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инobatга олган ҳолда акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

◆ акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

◆ етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низом банкларда корпоратив бошқарув ташкил этилиши ва унинг асослари белгилаб берилган алоҳида ҳужжат ҳисобланади. Ушбу низомда «Корпоратив



бошқарув» тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра тижорат банкларида корпоратив бошқарув деб тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуаси тушунилади.

Шунингдек, мазкур низомда банкларда корпоратив бошқарувнинг аҳамияти, бошқарув органлари, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари, корпоратив бошқарувда тутган ўрни, уларнинг шаклланиш тартиби ва муносабатлари белгиланган бўлиб, акциядорларнинг умумий мажлиси, Кенгаш ва Бошқарув банкларда бошқарув органлари ҳисобланади.

Ушбу Низом асосида корпоратив бошқарув органлари ҳар бирининг вазифаси, масъулияти алоҳида келтириб ўтилган. Шунингдек, банкларда корпоратив бошқарувнинг алоҳида элементлари бўйича тегишли маълумотлар акс эттирилган.

Мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Банкларда корпоратив бошқарувни самарали ташкил

этиш мақсадида дастлаб унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

Бунда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талаблари ва шу соҳа бўйича катта тажриба тўплаган хориж амалиётида самара берадиган тизим ва усулларни тадқиқ этиш йўли билан «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув кодекси (низоми)»ни ишлаб чиқиш талаб этилади. Ушбу ҳужжат шуниси билан аҳамиятли ҳисобланадики, ҳар бир тижорат банкида корпоратив бошқарув самарали ташкил этилиши ва корпоратив маданият шакллантирилиши учун бир хил талаблар бажарилиши ҳамда мазкур ҳужжатга мувофиқ барча банклар ўз ички корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиб, унга амал қилишлари таъминланади.

2. Банкларда миноритар акциядорларнинг манфаатларини таъминлаш ва ролини ошириш борасида қонун ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқий мақоми ва миноритар акциядорларнинг ҳиссасига тўғри келадиган уставдаги улуши аниқ белгиланиши.

3. Банк кузатув кенгаши аъзолари тайинланишига қўйиладиган талабларни белгилаш ҳамда кузатув кенгаши таркибига тажрибали мутахассисларни жалб этиш;

4. Банк фаолиятида кузатув кенгашининг банкнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги бўйича масъулиятини кучайтиришга қаратилган меъриий талаблар ишлаб чиқиш;

5. Тижорат банкларининг корпоратив бошқарув бўйича халқаро ёки миллий рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалиётини кенг жорий қилиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга

оширилаётган иқтисодий модернизациялаш жараёнида акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарувнинг халқаро андозаларга мос келувчи услуб ва тамойиллари жорий этилиши ўз навбатида банклар рейтинг даражаларининг юқори кўрсаткичларини қўлга киритиш, банклар учун потенциал инвесторлар жалб қилинишида рақобат муҳитини яратиш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни тўғри бошқариш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонуний манфаатлари таъминланишини кучайтириш, фойда олишнинг кафолатланганлигини таъминлаш, бошқарув қарорлари қабул қилинишида ахборот шаффофлиги таъминланишига эришиш ҳамда молиявий инқирозларнинг олди олинишига хизмат қилади.

ABSTRACTS

THE MODERN STATE OF THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM IN COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

Financial degradation of the banking system in developed countries as a result of the global financial crisis occurred in 2008 showed the weakness of the corporate governance system established in them. Author of the article emphasizes that increasing the effectiveness of corporate governance in commercial banks of Uzbekistan in the conditions of modernization of the economy is one of the decisive factors of socio-economic development for our country.





КАПИТАЛ БОЗОРИ: ИҚТИСОДИЙ ҲАМРАЎЧИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДРАЙВЕР

Капитал бозори (қимматли қоғозлар бозори) молия тизимининг асосий бўғини сифатида унинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакат рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ривожланган давлатларда ундан иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг асосий воситаларидан бири сифатида кенг фойдаланилади. Негаки, капитал бозори ривожланмаса, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳамда инвестициявий фаолликни ошириш борасидаги барча ҳаракатлар бесамар кетади. Шу маънода, Президентимиз томонидан жорий йилнинг 7 октябрь кунини бўлиб ўтган йиғилишда соҳадаги мавжуд ҳолат танқидий муҳокама этилиб, уни ривожлантириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилгани капитал бозорини тараққий эттириш борасида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.



Улуғбек Азизов,
и.ф.н., доцент,
Тошкент молия институти
ректори

Дарҳақиқат, тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантириш учун капитал бозорини, унинг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур. Тўғри, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ҳаракатлар бошланган. Аммо ўтган 25 йил давомида унинг долзарб масалалари ўз ечимини топмади. Бу ҳақда гап кетганда, 2006 йилда Япония-

да бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман тафсилотлари ёдимга тушаверади. Унда иштирок этган дунёнинг етакчи иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил тўлган бўлишига қарамай, у ҳали-ҳануз «ўтиш иқтисодиёти» (transition economy) да эканлиги танқид қилинган эди. Улар санаб ўтган важлар, айтиш жоизки, сўнгги икки йилда буткул бартараф этилди. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиётининг драйве-



ри бўлган капитал бозорини шакллантиришга тамал тоши қўйилди. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, солиқ ислохотлари, ер муносабатларини тартибга солиш бўйича мисли кўрилмаган амалий чора-тадбирлар бунга мисол бўла олади.

Капитал (қимматли қоғозлар) бозорини ривожлантириш масаласи давлат раҳбари даражасида кўриб чиқилиши ҳам бежиз эмас. Чунки иқтисодиёт ривожланиши учун маблағ, инвестиция зарур. Капитал бозори эса аҳолининг бўш турган маблағлари иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинишида, хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кўпайишида муҳим

аҳамият касб этади. Ўз навбатида, фонд бозори молия бозорининг таркибий қисми сифатида кредит бозори билан рақобатга киришиши капитал бозорида ўзига хос рақобат муҳитини юзага келтиради. Бундан эса иқтисодиёт, қолаверса, фаровонлик ошиши ҳисобига аҳоли ютади.

Сир эмас, бугунги кунда корхоналар ўз фаолиятини ривожлантириш, янги лойиҳаларни ўзлаштиришда, асосан, банк кредитларига таяниб қолмоқда. Бунда иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятини банк кредитлари асосида ривожлантиришга интилган бўлса, тижорат банклари капитали аксарият ҳолатларда давлат маблағлари, аниқроғи, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат улушини ошириш натижасида ўсиб борди. Натижада иқтисодиётни фақат бир томонлама молиялаштириш юзага келди. Эҳтиёжларнинг мунтазам ўсиб бориши шароитида давлат ва банк маблағлари чегараланганлиги туфайли иқтисодий ривожланиш учун капитал етишмаслиги ҳолати кузатила бошлади. Тижорат банклари ҳам, гарчи акциядорлик жамиятлари бўлса-да, амалда

кўшимча маблағлар жалб қилиш учун акциялар жойлаштириш амалиётидан самарали фойдаланмаяпти. Бевосита молиявий муассаса сифатида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллиги ўта суст бўлган бир вақтда реал сектор корхоналари акциялар, облигацияларни муомалага чиқариш орқали ўз фаолиятини молиялаштиришга ҳаракат ҳам қилмаяпти.

Натижада давлатнинг улуши мунтазам равишда ошиши кузатилди ва айни пайтда, йиғилишда таъкидланганидек,

605та

акциядорлик жамияти акцияларининг

85 фоизи

давлатга тегишли.

Аҳолининг, инвесторларнинг фонд бозоридаги фаоллиги ҳам талаб даражасида эмас, чунки

105та

жамиятнинг атиги

5 фоиз

акциялари фонд бозорида иштирок этмоқда, холос.

Умумий ҳолда шуни қайд этиш керакки, фонд бозорининг аҳамиятли жиҳатларидан деярли фойдаланмаяпмиз.

Ҳар қандай хорижий инвестор қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолат асосида иқтисодиётга баҳо беради, инвестиция киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қимматли қоғозлар бозори ривожланган бўлса, инвесторда ҳеч қандай иккиланиш бўлмайди. Чунки фонд бозори

Капитал бозори аҳолининг бўш турган маблағлари иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинишида, хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кўпайишида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, фонд бозори молия бозорининг таркибий қисми сифатида кредит бозори билан рақобатга киришиши капитал бозорида ўзига хос рақобат муҳитини юзага келтиради.

ривожланган давлатда инвесторлар ҳуқуқлари кафолатланади, манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади. Мамлакатимиздаги ҳолат ҳақида тўхталадиган бўлсак, фонд бозорининг жорий ҳолати кўнгилдагидек эмас.

Биринчидан, фонд бозори орқали капитал жалб қилишга интилаётган, яъни қимматли қоғозларини чиқариб, жойлаштирувчи эмитентлар сони жуда кам. Йирик эмитент ҳисобланган давлат ўз қимматли қоғозларини валюта биржасида фақат банклар ўртасида жойлаштирган. Акциядорлик жамиятлари эса давлат аралашувининг юқорилиги сабабли ҳам бундай амалиётда мустақил иштирок этмаяпти. Натижада муомаладаги қимматли қоғозлар сон ва тур жиҳатдан жуда ҳам кам.

Иккинчидан, фонд бозори инфратузилмаси бугунги талабларга тўлиқ жавоб беради, дея олмаймиз. Савдо майдони миқёси жуда ҳам тор. Мобиль иловалар орқали қимматли қоғозлар савдолари ташкил этилмаган. Шу ўринда бу жиҳат фонд бозори институтлари хизматига талаб билан бево-

сита боғлиқлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур.

Учинчидан, қимматли қоғозлар орқали даромад олиш имкониятлари борасида аҳоли саводхонлигини ошириш ҳам кун тартибидаги масалалардан биридир. Лекин бу жараён қимматли қоғозларга тўланадиган даромадларга бевосита боғлиқ. Агар қимматли қоғозлар бўйича даромадлар мунтазам тўлаб борилса, акциялар бўйича дивиденд тарзидаги даромадлар даврийлик асосида тўланишига эришилса, ўз ўзидан аҳолининг қизиқиши ва ўз навбатида молиявий саводхонлиги ҳам ошиб боради.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам соҳа равнақига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти, албатта.

Айни пайтда фонд бозори **100**га яқин норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.


Мазкур қонунчилик ҳужжатларида қатор чекловлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, ривожлан-

ган давлатларда банклар фонд бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади, юртимизда банкларга бошқа субъектларнинг акцияларини бирламчи бозорда харид қилиш тақиқланган. Молия бозори ва корпоратив бошқарувнинг немис ва япон моделларига кўра, банклар, суғурта компаниялари фонд бозорида фаол инвестор ва қимматли қоғозлар савдосининг фаол ташкилотчиси сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка кўра, қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқи фақат акциядорлик жамиятларига берилган. Маълум шартлар асосида ҳам масъулияти чекланган жамиятларга қарз муносабатини англаувчи қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат йўқ. Шу боис қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларда белгиланган нормалар бугунги иқтисодий ривожланиш суръатларига мос тарзда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Айни вақтда фонд бозорида, асосан, оддий акциялар муомаласи амалга оширилмоқда. Акциялар бозорига аҳолининг, инвесторларнинг қизиқишини

Амалдаги қонунчиликка кўра, қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқи фақат акциядорлик жамиятларига берилган. Маълум шартлар асосида ҳам масъулияти чекланган жамиятларга қарз муносабатини англаувчи қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат йўқ. Шу боис қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларда белгиланган нормалар бугунги иқтисодий ривожланиш суръатларига мос тарзда қайта кўриб чиқилиши лозим.



ошириш мақсадида имтиёзли акциялар, облигациялар бозорини ривожлантириш талаб этилади. Қарз муносабатини англутувчи қимматли қоғоз ҳисобланган облигациялар муомаласи ҳам республикамизда жуда тор доирада. Бугунги кунда бор-йўғи бта акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган 338 миллиард сўмлик облигациялар фақат юридик шахслар ўртасида жойлаштирилган ва кенг оммага очиқ таклиф амалга оширилмаган. Айнан облигациялар бўйича даромадлилик истиқболда инвесторларнинг акциялар бўйича молиявий операцияларида мўлжал вазифасини ўтаб беради. Акциялар ва облигациялар бозорида маълум бир ижобий натижаларга эришилгач, истиқболда ҳосилавий қимматли қоғозлар турлари ҳисобланган фьючерс ва опционларни ҳам муайян мезонлар асосида муомалага киритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай инвестор — хоҳ у jisмоний ё юридик шахс бўлсин, қимматли қоғозлардан даромад кутади. Афсуски, мамлакатимизда қимматли қоғозлар даромадлиги жу-

да паст даражада. Буни иккита мезон бўйича баҳолаш мумкин. Биринчидан, аҳоли ўз бўш пул маблағларини банкка омонатга қўйса, йиллик 22-24 фоиз даромад олади. Айни вақтда акциялар бўйича тўланаётган ўртача дивиденд даражаси 10 фоизга яқин. Аслида эса тескариси бўлиши керак, яъни акциялар бўйича дивидендлар фоизи банк депозитлари фоизидан юқори бўлиши лозим. Бундай шароитда аҳоли ўз бўш пул маблағини қаерга жойлаштириши яққол аён бўлиб турибди. Фонд бозори ривожланишига жиддий тўсиқ бўлаётган энг асосий омил айнан ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги кескин тафовутдадир.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Бугунги кунда акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) ва иккиламчи оммавий жойлаштириш (SPO) амалиётлари орқали акцияларни аҳолига сотиш натижасида акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришга эътибор қаратилмоқда. Лекин бундай амалиётлар амалга оширилгач, акциядорлик жамиятлари бошқаруви акциядорлар билан муносабатлар-

ни, хусусан, улар манфаатлари таъминланишини биринчи ўринга олиб чиқиши лозим. Шу боис капитал бозорини ривожлантиришга устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилаётган бир вақтда инвесторлар манфаатларини ҳам ҳукумат даражасида, ҳам эмитент даражасида ҳар томонлама ҳисобга олиш талаб этилади.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз капитал (фонд) бозоридagi акцияларнинг жами қиймати **25** триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан **6** фоизга ҳам етмайди.

Таққослаш учун: ушбу кўрсаткич Сингапурда 188 фоизни, Малайзияда 112 фоизни, Россияда 34 фоизни, Қозоғистонда 21 фоизни, Туркияда 20 фоизни ташкил этади. Демак, фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш зарур. Шу боис



Бугунги кунда акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) ва иккиламчи оммавий жойлаштириш (SPO) амалиётлари орқали акцияларни аҳолига сотиш натижасида акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришга эътибор қаратилмоқда. Лекин бундай амалиётлар амалга оширилгач, акциядорлик жамиятлари бошқаруви акциядорлар билан муносабатларни, хусусан, улар манфаатлари таъминланишини биринчи ўринга олиб чиқиши лозим.



Кадрлар тайёрлаш борасидаги муаммолар ҳам капитал (фонд) бозорининг ривожига қайсидир маънода тўсиқ бўлаётган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда тегишли малака гувоҳномасига эга атиги 300 нафар мутахассис мавжуд экан.

«Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар» кафедрасига талабаларга «Капитал (қимматли қоғозлар) бозори» ва «Молиявий деривативлар» фанларидан инглиз тилида назарий ва амалий дарс машғулотлари олиб бориш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда капитал бозори соҳасининг етакчи мутахассисларидан бири профессор Нишимуро Такуро жалб этилди. Япон профессори 2021 йилнинг 14 майига қадар институтимиз талабаларига таълим беради.

Яқинда Тошкент молия институти томонидан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Марказий банкнинг Валюта биржаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди, институтда талабаларга дарс ўтиш жараёнида капитал бозори ва валюта биржасининг реал иш режимдаги симуляцион марказларини ташкил этишга ва мутахассисларни та-

лабаларга дарс ўтиш жараёнига жалб этишга, ишлаб чиқариш амалиётида раҳбарлик қилишларига келишиб олинди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ноябрь ойида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда АҚШнинг Колумбия Университети таниқли олимлари ва мутахассислари иштирокида Институтда талабалар учун мастер-класс дарслари ташкил этилишига, ноябрь-декабрь ойларида Валюта биржаси билан ҳамкорликда институт ёш олимлари ва докторантларини Москва валюта-фонд биржасига малака ошириш ва тажриба алмашиш учун хизмат сафарига юбориш режалаштирилган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Капитал (қимматли қоғозлар) бозори соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан Тошкент молия институтида «Қимматли қоғозлар бозори» бакалавриат таълим йўна-

лиши ҳамда мазкур йўналиш негизида «Капитал бозори ва биржа иши» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун янги замонавий ўқув режалари ва фан дастурларини тайёрлаш, янги авлод дарсликларини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

ABSTRACTS

CAPITAL MARKET AS A DRIVER PROVIDING ECONOMIC GROWTH

In developed countries, the Capital Market (the securities market) is widely used as one of the key tools for investing in the economy. In his article, the author draws attention to the fact that ensuring the stability of the capital market, which is a key part of the financial system, is an important factor in improving the competitiveness of the country.

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИДА ІРО (АКЦИЯНИНГ БИРЛАМЧИ ЖОЙЛАШТИРИЛУВИ) АМАЛИЁТИ ВА ДЕРИВАТИВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Бугунги кунда глобал, минтақавий ва миллий иқтисодиётда молиявий инструментлар бозорини ривожлантиришнинг асосий суръатларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорига мос келадиган деривативларни амалиётга киритиш масалалари долзарблигича қолмоқда.


Қимматли қоғозлар бозоридан савдо амалиётларини олиб боришга талаб доим юқори бўлиши лозим ва қимматли қоғозларнинг қийматини баҳолаш ва бозорда уларга институционал сармоядорларнинг қизиқишини баҳолашнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири фундаментал таҳлил ҳисобланади. Ушбу усул



Гулбахор Бақоева,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Халқаро молия ва инвестициялар» кафедраси катта
ўқитувчиси

қимматли қоғознинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга асосланган бўлиб, акция ва облигацияларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун ҳар хил бошқарув даражасида молиявий-иқтисодий фаолиятнинг турли кўрсаткичларини тўлиқ таҳлил қилишни назарда тутлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолатини инобатга олган ҳолда шунини таъкидлаш лозимки, фундаментал таҳлил усулларини миллий фонд биржа фаолиятига мослаштириш ва бу жараёнда юзага келадиган муаммолар юзасидан тегишли илмий тадқиқотлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ривожланаётган фонд биржаларига молиявий воситаларни



жалб этиш учун унда савдо қилаётган корхона ва ташкилотларнинг акциялари билан таништириш лозим. Буни амалга оширишда IPO амалиёти, яъни акцияларнинг бирламчи жойлаштирилиши ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Ушбу амалиёт сармоядорлар учун номаълум бўлган корхоналарнинг акциялари ҳақида маълумот беради ва шу тариқа ўзига жалб этади. Акциялар фонд бозорларидан бирида очик савдо қила бошлайди, компания акцияларни

Бугунги кунда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолатини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фундаментал таҳлил усуллари миллий фонд биржа фаолиятига мослаштириш ва бу жараёнда юзага келадиган муаммолар юзасидан тегишли илмий тадқиқотлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ривожланаётган фонд биржаларига молиявий воситаларни жалб этиш учун унда савдо қилаётган корхона ва ташкилотларнинг акциялари билан таништириш лозим. Бунга амалга оширишда IPO амалиёти, яъни акцияларнинг бирламчи жойлаштириливи ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.



сотишдан молиявий ресурсларнинг ҳаракатини таъминлайди. Бундан ташқари, IPO амалиёти компаниянинг

капитализация даражасини оширишга ва унинг молиявий жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига хизмат қилади.

Акциялар савдоси ҳажмига кўра энг йирик фонд биржалари Нью-Йоркда жойлашган NYSE ва NASDAQ ҳисобланади. Шимолий Америка қимматли қоғозлар бозори амалиётлар сони ва ҳажми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Иккинчи ўринни Осиё фонд бозорла-

ри эгаллайди, унда Гонконг, Шанхай, Токио ва Осака шаҳарлари қимматли қоғозлар билан савдони амалга оширувчи асосий марказлар ҳисобланади.

Агар компания ўз акцияларини фонд биржасига чиқаришга қарор қилса, унда андеррайтинг хизматидан фойдаланиш лозим. Андеррайтерлар қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва потенциал сармоядорлар ўртасида во-

Акциялар савдоси ҳажмига кўра энг йирик фонд биржалари Нью-Йоркда жойлашган NYSE ва NASDAQ ҳисобланади. Шимолий Америка қимматли қоғозлар бозори амалиётлар сони ва ҳажми бўйича етакчилик қилиб келмоқда.





Иккинчи ўринни Осиё фонд бозорлари эгаллайди, унда Гонконг, Шанхай, Токио ва Осака шаҳарлари қимматли қоғозлар билан савдони амалга оширувчи асосий марказлар ҳисобланади.

ситачи фирма ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида йирик инвестицион банклар ва брокерлик компаниялари суғурта қилувчи томон сифатида фаолият олиб борадилар. Улар акция ёки облигация учун бирламчи нархни белгилаб оладилар, IPO бўйича харид қилишга тайёр сармоядорларни жалб қиладилар ва эмиссия компаниясидан ўз хизматлари учун маълум миқдорда тўлов (мукофот) оладилар, мукофот миқдори, одатда, жойлаштирилув нархининг 7 фоизини ташкил этади.

Андеррайтерлар фақат мукофот ҳисобидангина даромад олишмайди. Уларнинг асосий даромади акцияларнинг дастлабки баҳоси ва кейинроқ фонд биржасидаги бозор нархи ўртасидаги фарқдан шаклланади. Аънавий IPO шартларига кўра андеррайтинг фирмаси

IPO амалиётини ўтказмоқчи бўлган компаниянинг тўлиқ молиявий таҳлилини олиб боради ва унинг асосида дастлабки таклиф нархни ва ўз акцияларини сотиб олиш бўйича таклифларни белгилайди. Бу улар учун фойдалидир, чунки фонд биржасида савдонинг бошланиши (биринчи соатларда ва кунларда) нархнинг одатда ўсишини кўрсатади, бу эса биринчи харидор ва суғурта компаниясининг акцияларни сотишда яхши пул ишлашларига имкон беради.

АҚШда йирик компанияларидан бири Twitterнинг IPO амалиётига назар ташласак, компаниянинг IPO га қадар жалб қилган сармоя капитали 475 миллион дона акциядан иборат эди, шулардан 25% Twitter асосчилари ва директорларига тегишли. Компания умумий капиталининг 13%ини таш-

кил этувчи 70 млн. дона акцияни сотиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

IPO амалиётидан 1 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилиш мақсади қўйилган эди. 2013 йил 13 сентябрь куни Twitter Нью-Йорк фонд биржасида (NYSE) ўз акцияларининг бирламчи жойлаштирилуви учун мурожаат қилди. Инвестицион банклар Goldman Sachs, Morgan Stanley ва Morgan Chase ушбу амалиётларни суғурталовчи томон сифатида иштирок этишди. Натижада 17-20 АҚШ долларига тенг нархда дастлабки жойлаштирилув белгиланди, аҳолининг қизиқиши ортиши туфайли акциялар 23-25 АҚШ долларидан сотилди. Ушбу IPO амалиёти муваффақиятли деб баҳоланди, чунки сармоядорлар юқори даромад олишди¹. Андеррайтерларнинг мукофоти 3,25%ни ташкил қилди ва 59,2 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда кўришди. Бундан ташқари, улар 10,5 млн. дона акция сотиб олишга ҳуқуқлари бор эди. Умумий миқдорда ушбу

¹ <https://www.sec.gov/Archives/edgar/data/1418091/000119312513390321/d564001ds1.htm>.



IPO амалиётидан 200 млн. АҚШ долларига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 май Қарорига биноан 2017 йил 5 декабрдан 2018 йил 3 апрелга қадар «Кварц» (Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида жойлашган) акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга рухсат берилди. Ушбу амалиёт Ўзбекистон тарихида илк IPO амалиёти деб юритилди. Ушбу корхона фаолияти шиша, шиша маҳсулотлари, автомобиль sanoати учун ойналар, шиша идишлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Корхонанинг ҳар бир оддий акцияси учун

номинал қийматга нисбатан 2014 йил учун 31%, 2015 йил учун 34% ва 2016 йил учун 68% миқдорда дивиденд тўланиши кенг оммага эълон қилинди. Натижада 2017 йил 5 декабрдан бошлаб «Тошкент» РФБ савдо майдончасида «Кварц» АЖнинг 4 574 934 дона оддий акциялари сотувга қўйилди. Ушбу жараён 2017 йил 2 октябрь санаси билан P0413-8 рақами остида расмийлаштирилди. Акциянинг номинал нархи 1715 сўм қилиб белгиланди. Акцияларнинг умумий номинал қиймати 7 846 011 810 сўмни ташкил қилди.

Акцияларнинг жойлаштириливи андеррайтер орқали

амалга оширилди. Андеррайтер сифатида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки иштирок этди (IPO амалиёти ташкилотчиси). Инвестицион воситачи сифатида эса «Тошкент» РФБ листингида турувчи «Dalal standard» МЧЖ қатнашди. 24.03.2018 йил ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБга 652 211 дона акция сотиб олиш учун 1747та сўровнома тушди ва 3,42 млрд. сўм миқдордаги сармоя депонентга қўйилди. IPO амалиёти шартларига кўра, сармоядор умумий акциялар сонининг 0,05%ини харид қилиши мумкин. Бу эса 2287та акцияни ташкил этади. Ҳар бир акция-

Андеррайтерлар фақат мукофот ҳисобидангина даромад олишмайди. Уларнинг асосий даромади акцияларнинг дастлабки баҳоси ва кейинроқ фонд биржасидаги бозор нархи ўртасидаги фарқдан шаклланади. Анъанавий IPO шартларига кўра андеррайтинг фирмаси IPO амалиётини ўтказмоқчи бўлган компаниянинг тўлиқ молиявий таҳлилини олиб боради ва унинг асосида дастлабки таклиф нархини ва ўз акцияларини сотиб олиш бўйича таклифларни белгилайди. Бу улар учун фойдалидир, чунки фонд биржасида савдонинг бошланиши (биринчи соатларда ва кунларда) нархнинг одатда ўсишини кўрсатади, бу эса биринчи харидор ва суғурта компаниясининг акцияларни сотишда яхши пул ишлашларига имкон беради.

нинг нархи 2300 сўмдан 9100 сўмгача бўлган ораликда тебраниди. Натижада акцияларнинг 54%и 7,5 млрд. сўм миқдорда сотилди. IPO амалиётида қатнашган сармоядорлар юқори фойда олишди, лекин 46% акциялар сотилмай қолди. Қолган акцияларни андеррайтер қайта сотиб олиши керак эди, ammo Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки бундан бош тортди.

Илк маротаба ўтказилган IPO амалиёти ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга бўлди. «Кварц» АЖ акциялари савдоси ҳақида кенг оммага маълумот берилиши, сармоядорлар 60%гача фойда кўриши, фонд бозори иштирокчиларининг жалб этилишини ютуқ деб ҳисобласак, камчи-

лик сифатида акцияларнинг катта қисми сотилмай қолишини, IPO амалиёти ҳақида кенг миқёсда тарғибот ишлари ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириш ишлари олиб борилмаганини ва Road Show лар қилинмаганлигини таъкидлашимиз мумкин. Аммо умумий ҳисобда IPO амалиёти муваффақиятли ўтди ва ҳозирги кунда кўплаб корхоналар ушбу амалиётни ўтказишни режалаштирмақда.

Шу ўринда «Кўқон механика заводи» АЖ ўзининг SPO (Secondary Public Offering) амалиётини ўтказди. 2018 йил 27 ноябрда акцияларни сотиб олишга сўровномалар йиғилди. Андеррайтер сифатида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Мил-

лий Банки иштирок этди (IPO амалиёти ташкилотчиси). Инвестицион воситачи сифатида эса «Тошкент» РФБ листингида турувчи «Ўзнефтьгазмаш» АЖ иштирок этди. Мазкур корхона «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси таркибига кириб, «Кўқон механика заводи» АЖнинг асосий акциядори ҳисобланади.

SPO амалиёти доирасида 2,2 млн. дона акция жойлаштирилуви амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида «Ўзнефтьгазмаш» АЖнинг улуши 64,08%га тушади, бошқа акциядорларнинг улуши эса 35,92%га ортади. Мутахассисларнинг фикрича, акциялар нархи 1,5 баробар ошиши кутилмақда. Натижада 100% акция (2,2 млн. дона) жойлаштирилуви амалга ошди. Талабномалар сони 2 821 065тани ташкил этди. 26,14% талаб қондирилмади. Бугунги кунда акциянинг ўртача нархи 1400-1460 сўмни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, SPO ва IPO амалиётлари қимматли қоғозлар бозорини риовжлантиришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, Ўзбекистон шароитида сармоядорларнинг қизиқишларини орттириш учун шундай амалиётларнинг миқёсини кенгайтириш лозим. Шу орқали фонд биржасига бўлган ишончнинг ортиши деривативларнинг жорий этилишига хизмат қилади.

— Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлиги етарли даражада эмаслигига

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 май Қарорига биноан 2017 йил 5 декабрдан 2018 йил 3 апрелга қадар «Кварц» (Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида жойлашган) акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга руҳсат берилди. Ушбу амалиёт Ўзбекистон тарихида илк IPO амалиёти деб юритилди.



«Қўқон механика заводи» АЖ ўзининг SPO (Secondary Public Offering) амалиётини ўтказди. 2018 йил 27 ноябрда акцияларни сотиб олишга сўровномалар йиғилди. Андеррайтер сифатида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки иштирок этди (IPO амалиёти ташкилотчиси). Инвестицион воситачи сифатида эса «Тошкент» РФБ листингида турувчи «Ўзнефтьгазмаш» АЖ иштирок этди. Мазкур корхона «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси таркибига кириб, «Қўқон механика заводи» АЖнинг асосий акциядори ҳисобланади.

қарамай, ҳукумат томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Капитал бозорини ривожлантириш, фонд биржаси фаолиятини халқаро миқёсда кўтариш, IPO ва SPO амалиётларини ўтказиш, деривативларни амалиётга жорий этиш, сармоядорларни қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш каби чора-тадбирлар унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Яқин келажакда республикада молия бозори, шу жумладан, фонд бозори дунё миқёсида рақобатбардош бўлишига эришиш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш бугунги кундаги асосий вазифамиз. Бунга эришиш учун илк қадам сифатида «Thomson Reuters» халқаро ахборот агентлиги билан йўлга қўйилган ҳамкорликни кўришимиз мумкин.

«Тошкент» РФБ хизматларини кенгайтириш мақсадида РЕПО битимларини қайта йўлга қўйиш лозим. РЕПО битимлари қимматли қоғозларни гаровга қўйиш йўли билан пул маблағларини қарзга олишнинг оммабоп



усули ҳисобланади. Мижозга тегишли бўлган қимматли қоғозлар нафақат фойда келтириши, балки кредит маблағларини зудлик билан жалб қила оладиган самарали восита сифатида ҳам қўлланилиниши мумкин.

Бугунги кунда фонд бозорида корпоратив қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган РЕПО битимлари қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 6 августда 1396-рақам билан рўйхатга олинган «Корпоратив

қимматли қоғозлар билан репо битимларини амалга ошириш тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солиб келинмоқда.

2004 йилдан бошлаб РЕПО келишувлари кенг миқёсда амалга оширилган эди. Лекин «Тошкент» РФБ ва Корея фонд биржаси билан ҳамкорлик ўрнатилгандан кейин бу амалиётлар тўхтатилди. РЕПО битимлари миллий қонунчиликка биноан икки босқичда амалга оширилади: акция сотилиши ва қайтиб сотиб олиниши. Корея тизимида эса брокер масъулиятни ўз бўйнига олади ва РЕПО битими бир босқичда амалга

оширилади. Шу жиҳатдан, РЕПО амалиётини ўтказишда номутаносибликлар мавжуд бўлгани учун ушбу турдаги битимлар ҳозирги кунда амалга оширилмаяпти.

РЕПО келишувларини кенгайтириш учун иккламчи бозорни ривожлантириш зарур. Бу йўналишда фонд биржасида иккламчи бозордаги келишувлар сони кам бўлса-да, ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга. Натижада 2016 йил давомида фонд биржасининг ўзида 22,3 млрд. сўмлик савдо битими тузилиб, шундан 0,4 млрд. сўмлик қисми (0,13 млн. АҚШ долл.) хорижий валютада амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб қимматли қоғозлар бозорининг жозибадорлигини оширишда иккламчи бозорнинг кенгайиши асосий йўналиш ҳисобланади. Сўнгги вақтларда фонд биржаси савдо айланмасида қимматли қоғозларнинг иккламчи бозори устунлик қилиб келмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирувчи

Бугунги кунга келиб қимматли қоғозлар бозорининг жозибадорлигини оширишда иккламчи бозорнинг кенгайиши асосий йўналиш ҳисобланади. Сўнгги вақтларда фонд биржаси савдо айланмасида қимматли қоғозларнинг иккламчи бозори устунлик қилиб келмоқда.

истиқболли секторлардан яна бири банклардир. Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийсида тасдиқланган акциялар чиқарилиш ҳажмига кўра йирик (10 млрд. сўм миқдоридан юқори қийматдаги акциялар эмиссиясига эга), ўрта (3-10 млрд. сўм) ва кичик (3 млрд. сўм) иштирокчиларга бўлинади.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, 16та йирик банкларга барча эмиссия қилинган акциялар номинал қийматининг 90,6%и тўғри келган, 8та ўрта банкларга 8,5%и ва 3та кичик банкларга эса 0,9%и тўғри келган.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ҳи-

соб-клиринг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Замонавий клиринг тизимлари, рискларни ва фонд бозори иштирокчиларининг транзакцион харажатларини камайтириш молиявий бозорнинг сифатли ривожланишига, ликвидлик ва бозорда нарх шаклланиши сифатининг ошишига, молиявий инструментлардан фойдаланиш самарадорлигининг ортишига хизмат қилади. Булар эса, ўз навбатида, мавжуд инфратузилманинг янада барқарорлашуви учун янги шарт-шароитлар яратади.

Ҳисоб-клиринг палатаси фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш механизми тўғрисида»ги

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ҳисоб-клиринг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Замонавий клиринг тизимлари, рискларни ва фонд бозори иштирокчиларининг транзакцион харажатларини камайтириш молиявий бозорнинг сифатли ривожланишига, ликвидлик ва бозорда нарх шаклланиши сифатининг ошишига, молиявий инструментлардан фойдаланиш самарадорлигининг ортишига хизмат қилади. Булар эса, ўз навбатида, мавжуд инфратузилманинг янада барқарорлашуви учун янги шарт-шароитлар яратади.






Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини келгусида ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган бўлиб, «Қимматли қоғозлар бозорида ҳисобклиринг палатаси тўғрисида»ги Қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади².

Ўзбекистон капитал бозори ривожланишининг яна бир истиқболли йўналиши унинг жаҳон фонд биржаларида савдо майдонларига чиқишидир. Бу борада Ўзбекистон томонидан Лондон фонд биржасига 1 млрд. АҚШ доллари миқдорига еврооблигациялар жойлаштирилиши илк қадам бўлди. Ушбу облигациялар иккита траншда жойлаштирилади: 2024 ва 2029 йилларда

² Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2003 й., №7-8, 65-б.

«Тошкент» Республика фонд биржаси бирламчи ва иккиламчи бозорлари нисбати



Манба: «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



Еврооблигациялар жойлаштирилудаги асосий иштирокчилар					
Транш	Даромадлилик (%)	Британия сармоядорлари улуши (%)	АҚШ сармоядорлари улуши (%)	Европа давлатлари сармоядорлари улуши (%)	Осиё мамлакатлари сармоядорлари улуши (%)
2024	4,7	39	23	6	6
2029	5,3	32	31	10	10

Манба: «Тошкент» РФБ янгиликлари ва маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

500 млн. АҚШ доллари миқдориди. Беш йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги 4,7%ни, ўн йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги эса 5,3%ни ташкил қилади.

Ушбу амалиёт Лондон фонд биржасида юқори талабга эга бўлди ва институционал сармоядорлардан 150та сўровнома келиб тушди. Асосий сармоядорлар сифатида бошқарув фондлари (75% ва 78%), суғурта компаниялари ва нафақа жамғармалари (20% ва 16%) ҳамда банклар (5% ва 6%) иштирок этишди. Ушбу жойлаштирувнинг ютуқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Ўзбекистон илк бор муваффақиятли битим орқали халқаро бозорга чиқишга эришди;

- ❖ Сармоядорларнинг ёрдами билан қимматли қоғознинг нарҳини белгилашда за-


монавий усуллардан фойдаланилди ва рейтинги кўтарилди;

- ❖ Ўзбекистондаги бошқа давлат корхона ва ташкилотлари томонидан облигациялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши режалаштириб қўйилди;

- ❖ МДХ давлатлари орасида 2019 йилда илк бор мустақил облигациялар

жойлаштириливи амалга оширилди.

2017 йилнинг 17 январиди Ўзбекистон Республикаси Президенти «Давлат мақсадли объектларини тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун сотиш тартибларини янада соддалаштириш ва сотишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғри-



Ўзбекистон капитал бозори ривожланишининг яна бир истиқболли йўналиши унинг жаҳон фонд биржаларида савдо майдонларига чиқишидир. Бу борада Ўзбекистон томонидан Лондон фонд биржасига 1 млрд. АҚШ доллари миқдориди еврооблигациялар жойлаштирилиши илк қадам бўлди. Ушбу облигациялар иккита траншда жойлаштирилади: 2024 ва 2029 йилларда 500 млн. АҚШ доллари миқдориди. Беш йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги 4,7%ни, ўн йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги эса 5,3%ни ташкил қилади.



Миллий фонд бозори миллий хўжаликнинг асосий воситаларига нисбатан янги ва етарлича ривожланмаган сегмент ҳисобланади. Ташқи ва ички омилларнинг мавжудлиги бир томондан миллий фонд бозорини ривожлантириши, бошқа томондан тўсиқ бўлиши мумкин. Молия бозорида иштирокчи банклар уч кўринишда (эмитент, сармоядор ва профессионал иштирокчи сифатида) қатнашиши мумкин.

сида»ги Фармонни имзолади. Ушбу фармоннинг учинчи қисми IPO амалиётларининг ўзказилишига қаратилган бўлиб, компанияларнинг капиталини оширишга имкон бериши таъкидланган.

Капитал бозорида савдода бўлган акцияларнинг мавжудлиги компаниянинг қийматини баҳолашга имкон беради, у бирлашиш ва сотиб олиш (M&A) учун менежерларнинг фаолиятини баҳолашда восита сифатида ишлатилиши мумкин. Компаниянинг акциядорлари ўзларининг аксарият қисмини ёки бир қисмини сотиш имконига эга бўлиб, шу билан бирга, компаниянинг келажакда кутилаётган даромадларини капитализация қилиш имкониятини беради. Юқорида келтирилган қимматли қоғозлар бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, унинг келажакдаги ривожини ва истиқболини белгилаб беради.

Миллий фонд бозори миллий хўжаликнинг асосий воситаларига нисбатан янги ва етарлича ривожланмаган сегмент ҳисобланади. Ташқи ва ички омилларнинг мавжудлиги бир томондан

миллий фонд бозорини ривожлантириши, бошқа томондан тўсиқ бўлиши мумкин. Молия бозорида иштирокчи банклар уч кўринишда (эмитент, сармоядор ва профессионал иштирокчи сифатида) қатнашиши мумкин. Ўзбекистон банклари ривожланиши билан улар охириги пайтларда корпоратив облигациялар ва уларни жойлаштириш бўйича воситачи сифатида қатнаша бошлашди, бу, ўз навбатида, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги деривативларни самарали қўллашга ҳаракат қилаётганини билдиради.

«Тошкент» РФБ орқали амалга оширилган IPO ва SPO амалиётлари ўзининг ижобий самарасини берди. Кузатилган бир қатор камчиликлар эса кейинги амалиётлар даврида бартараф қилинади. Ушбу келишувлар, шубҳасиз, иккиламчи бозордаги битимлар сони ва ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон шароитида қимматли қоғозлар бозорида мавжуд бўлган молиявий инструментлардан опцион шартномалари энг моси ва ўринлиси ҳисобланади. Қонуний жиҳатдан мавжуд, лекин амалда умуман қўлланмайдиган ушбу инструмент сармоядор учун жуда қулай ҳисобланади ва рискни минимал даражага тушира олади.

Қимматли қоғозлар бозорида мавжуд рискларни камайтириш ва уларни хеджирлаш мақсадида консалтинг хизматлари ва хедж фондларни ташкил этиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.

ABSTRACTS

THE PRACTICE OF IPO (INITIAL PUBLIC OFFERING) IN THE STOCK MARKET OF UZBEKISTAN AND THE POSSIBILITIES OF USING DERIVATIVES

In Uzbekistan, the issues of introducing the derivatives corresponding to the securities market into practice remain relevant. The author of the article, analyzing the current state of the securities market of Uzbekistan, draws attention to the fact that in order to attract financial instruments to emerging stock exchanges, it is necessary to introduce the shares of enterprises and organizations using practice of IPO. The author draws attention to the fact that another promising sector for the development of the securities market in our country could be banks. Author also expresses her opinion on the possibilities of entering the trading areas of the world stock exchanges.

ПРОБЛЕМЫ РЫНКА НЕДВИЖИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА, ПУТИ И СПОСОБЫ ИХ РЕШЕНИЯ

В результате проводимых Президентом и Правительством Узбекистана социально-экономических реформ, демонополизации государственной собственности, разгосударствления и приватизации, в нашей стране сформировался класс частных собственников, в том числе и собственников недвижимости, которые сегодня могут не только пользоваться и владеть этой недвижимостью, но и распоряжаться ею.

Развитие в стране товарно-денежных отношений, формирование многоукладной экономики привели к созданию, по сути, новых рынков, таких как биржевой рынок товаров, рынок рабочей силы, рынок денег и кредита, рынок ценных бумаг, рынки раз-



*Игорь Бутиков, д.э.н., профессор,
директор Центра исследований Агентства по управлению
государственными активами Республики Узбекистан*

личных видов услуг. Среди этих видов рынков особое место занимает рынок недвижимости – центральное звено всей системы рыночных отношений. Недвижимость выступает в качестве средств производства (земля, административные, производственные, складские, торговые и прочие здания и сооружения) и предметов или объектов потребления (земельные участки, жилые дома, дачи, квартиры, гаражи). Недвижимость является основой личной жизни для граждан и служит неотъемлемой базой для хозяйственной деятельности и развития предприятий и организаций всех форм собственности.



В Узбекистане происходит активное формирование и развитие рынка недвижимости, и все большее число граждан, предприятий и организаций участвует в операциях с недвижимостью.

Развитие экономики, вовлечение в коммерческий оборот жилого фонда, нежилых и производственных объектов, принципиальные изменения в методах хозяйствования привели к расширению масштабов и диверсификации профессиональных видов деятельности на рынке недвижимости – риэлторских услуг. Риэлторская деятельность получила широкое развитие в сегменте рынков жилья и земельных участков.

Принятие в Узбекистане в 2010 году Закона «О риэлторской деятельности» способствовало позитивным институциональным изменениям на рынке недвижимости, повышению его прозрачности, формированию нормативно-правовой базы в этой области, созданию риэлторских организаций, появлению риэлторов, осуществляющих легитимную деятельность и оказывающих на этом рынке профессиональные посреднические услуги. В республике ведется работа по созданию нор-

мативно-правовой базы риэлторской деятельности с учетом международных стандартов, позволяющих оптимизировать взаимодействие поставщиков и потребителей риэлторских услуг, ускорить заключение сделок. Сотрудники риэлторских организаций и индивидуальные риэлторы теперь проходят обязательное обучение и получают знания и навыки, позволяющие им оказывать качественные посреднические услуги своим клиентам. Они должны периодически повышать уровень своей квалификации и получать новые знания в этой сфере. Большое значение придается защите прав и законных интересов собственников недвижимого имущества. При этом государство оказывает всевозможную поддержку риэлторским организациям, в частности, малые предприятия и микро-фирмы, осуществляющие риэлторскую деятельность, с момента вступления в силу указанного закона и до 2017 года были освобождены от уплаты единого налогового платежа.

Следует отметить, что, если в западных странах рынки недвижимости функционируют в течение нескольких столетий, то в Узбекистане, как и в других

В Узбекистане происходит активное формирование и развитие рынка недвижимости, и все большее число граждан, предприятий и организаций участвует в операциях с недвижимостью.

Развитие экономики, вовлечение в коммерческий оборот жилого фонда, нежилых и производственных объектов, принципиальные изменения в методах хозяйствования привели к расширению масштабов и диверсификации профессиональных видов деятельности на рынке недвижимости – риэлторских услуг. Риэлторская деятельность получила широкое развитие в сегменте рынков жилья и земельных участков.



странах постсоветского пространства, их история насчитывает чуть более двух десятков лет. До последнего времени в Узбекистане не проводилось серьезных исследований, касающихся теории и практики рынка недвижимости. Нет единых подходов к определению таких понятий, как сущность, функции, роль рынка недвижимости. Нуждаются в глубоком изучении вопросы государственного регулирования рынка недви-

мости, определения его целей, задач, принципов, модели, по которой будет осуществляться его развитие в Узбекистане. Важное значение приобретает разработка концепции государственного регулирования рынка недвижимости в Узбекистане, на базе которой составлялись бы краткосрочные и среднесрочные программы его развития. Без решения этих теоретических вопросов на практике будет сложно организовать рынок

недвижимости, в котором все его участники чувствовали бы себя уверенно, защищенно, комфортно и который бы служил прочным фундаментом рыночных отношений в целом.

Рынок недвижимости каждой страны имеет свои особые черты и характеристики. Учет особенностей рынка недвижимости отдельно взятой страны очень важен для осуществления исследований, направленных на выработку предложений и рекомендаций по совершенствованию механизма его функционирования.

Изучение рынка недвижимости Узбекистана, проведенное Центром исследований Агентства по управлению государственными активами, позволило выделить четыре основных этапа его развития.

I ЭТАП

1991–1993 годы. Этап становления первичного рынка жилья, приватизации объектов недвижимости торговой сферы и сферы обслуживания, с земельными участками, на которых они расположены.

На данном этапе государство реализовало в частную собственность гражданам, как правило, являвшимся квартиросъемщиками, большую часть жилищного фонда страны. Из квартиросъемщиков подавляющая часть населения Узбекистана превратилась в собственников жилья. Этап имел огромное значение в деле изменения сознания людей, их отношения к недвижимому имуществу, поскольку наряду с правом владения и пользования своими квартирами и домами, они получили право распоряжаться ими, то есть –



продавать, сдавать в аренду, переводить в нежилую недвижимость и т.п. Следует отметить, что этот этап был пройден весьма организованно без каких-либо инцидентов. В результате приватизации около пяти миллионов наших граждан стали собственниками приватизированного жилья. Следует отметить адресную направленность приватизации государственных квартир, которые были переданы квартиросъемщикам по доступной для них балансовой стоимости, а некоторые категории граждан получили их бесплатно. Появилось также 52,3 тыс. собственников предприятий торговли, бытового обслуживания, общественного питания, потребкооперации. Особенностью данного этапа, связанного с «малой приватизацией», было то, что в это время собственники вышеуказанных предприятий получили возможность приватизации земельных участков, на которых находились приватизируемые ими предприя-

тия. В дальнейшем земельные участки под приватизируемыми предприятиями в частную собственность в Узбекистане, как правило, не передавались.

II ЭТАП

1994–2000 годы. Этап становления и развития организованного рынка жилой, промышленной и офисной недвижимости, характеризующийся созданием и началом функционирования Республиканской биржи недвижимости (создана 8 апреля 1994 года), когда объекты недвижимости реализовывались в частную собственность на организованных биржевых торгах. Для этого этапа были характерны начало регистрации сделок на специальных площадках организаторов торгов, а также сделки с жилой недвижимостью на неорганизованном вторичном рынке. Следует отметить, что на этом этапе в результате широкомасштабной приватизации на базе государственных предприятий было создано около 5000 открытых

акционерных обществ. При этом объекты недвижимости, принадлежащие ранее государственным предприятиям, после приватизации стали собственностью созданных на их основе акционерных обществ. Акционерные общества в установленном законом порядке могли, как и собственники приватизированных квартир, распоряжаться объектами недвижимости, находящимися на их балансе. Таким образом, на этом этапе развития рынка недвижимости произошло массовое вовлечение в гражданский оборот крупных объектов недвижимости – производственных и административных зданий (цехов), ангаров, складских помещений, имеющих значительную стоимость. Это вызвало новый виток взрывного развития рынка недвижимости в стране.

III ЭТАП

2001–2009 годы. Этап развития ипотеки, закрепления прав собственников жилья, интенсивного развития



индивидуального жилищного строительства, развития первичного рынка жилья в многоквартирных домах и аренды государственной и частной недвижимости, некоторой ценовой нестабильности, развития неопределенности на вторичном рынке жилья, активизации деятельности «черных маклеров». Данный этап характеризовался постепенной нормализацией макроэкономической ситуации в стране, повышением доходов населения, притоком в Узбекистан иностранных инвестиций, укреплением системы денежного обращения, развитием банковского кредитования. Начиная с 2005 г. государственный бюджет страны исполнялся с профицитом, что благотворно влияло на покупатель-

скую способность национальной денежной единицы – сума. Республиканская биржа недвижимости превращается в самую крупную по обороту биржу страны. Накопления предприятий и организаций, сбережения граждан в целях их сохранения и приумножения стали инвестироваться в объекты недвижимости, являющиеся одним из самых надежных видов инвестиционных активов. Все это повлекло за собой динамичный рост цен на недвижимость, которые к концу 2008 года достигли своего пика. На этом этапе начало ощущаться влияние мирового финансово-экономического

кризиса, которое привело к существенному снижению цен на жилье.

IV ЭТАП

2010 год – по настоящее время. Этап легализации риэлторской деятельности и существенного усиления защиты прав собственников недвижимости, развития мультилистинговых систем. Данный этап ознаменовался событием, которое внесло существенные коррективы в условия деятельности инфраструктуры рынка недвижимости. С принятием закона Республики Узбекистан «О риэлторской деятельности», деятельность риэлторских организаций и индивидуальных предпринимателей на рынке недвижимости стала лицензируемой. Физические лица, претендующие на профессиональную работу на рынке недвижимо-



сти, должны были пройти обязательное обучение и доказать свой профессионализм в созданном уполномоченном органе по риэлторской деятельности (Госкомимуществе) путем сдачи экзамена. Закон также установил четыре различных вида риэлторских услуг, права и обязанности риэлторских организаций и риэлторов, требования к договорам, заключаемым между риэлторскими организациями, риэлторами и их клиентами, и, что очень важно, перечень сведений, которые должны предоставляться риэлторским организациям другими организациями, в том числе государственными органами по их запросам.

На данном этапе более двухсот организаций получили лицензии на различные виды риэлторских услуг, и более двух тысяч граждан, сдав соответствующий экзамен, получили квалификационный сертификат риэлтора. Этот этап характеризуется противостоянием легальных риэлторов и так называемых

«черных маклеров» – нелегальных посредников, реализующих клиентам свои услуги без соответствующих лицензий. Характерной особенностью этого этапа является принятие в 2012 году Закона Республики Узбекистан «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников», где в ст. 19 предусмотрены нормы, обеспечивающие мощную защиту собственников недвижимости от различных незаконных действий, в том числе, и со стороны государственных чиновников. Нынешний этап отмечен принятием национальных стандартов по отдельным видам услуг, оказываемых риэлторскими организациями, созданием мультилистинговых систем (МЛС), которые при использовании современных программных продуктов и телекоммуникационных систем связи существенно повышают качество оказываемых риэлторских услуг, ускоряют совершение сделок и выводят отечественный рынок недвижимости на новую, значительно более высокую ступень развития.

На становление и развитие рынка недвижимости Узбекистана в период независимого развития, собственно, как и в других странах постсоветского пространства, оказали влияние ряд факторов, в числе которых можно выделить политические, экономические, социальные, административные, экологические и ряд других.

К политическим факторам можно отнести переход к демократическим, рыночным реформам, демонополизацию государственной собственности, разгосударствление и приватизацию, формирование многоукладной экономики и т.п.

К экономическим факторам – уровень доходов населения и бизнеса, ставки налогов, доступность финансовых ресурсов, уровень ставок арендной платы, создание отрасли производства строительных материалов, строительной индустрии, тарифы на коммунальные услуги и т.д.

К социальным факторам – изменение численности, плотности населения, миграционные процессы, обеспеченность рабочими местами должного образовательного уровня, повышение уровня финансовой грамотности населения, его материального благосостояния, в частности, рост реальной заработной платы.

К административным факторам – развитие сети регистраторов прав на недвижимость (кадастровых органов), общей и специальной рыночной инфраструктуры, появление зональных ограничений и т.д.

К экологическим факторам – подверженность местности засухам и затоплениям.

Безусловно, главными из перечисленных факторов являются экономические, формирующие спрос и предложение на объекты недвижимости.

Рынок недвижимости каждой страны имеет свои особые черты и характеристики. Учет особенностей рынка недвижимости отдельно взятой страны очень важен для осуществления исследований, направленных на выработку предложений и рекомендаций по совершенствованию механизма его функционирования.

Специфические особенности рынка недвижимости Узбекистана:

1. Наличие в стране механизма закрепления прав собственности на объекты недвижимости и права на них.

2. Сформированность как общей, так и специальной инфраструктуры рынка недвижимости (института посредников и др.).

3. Земля, поскольку она в подавляющем большинстве случаев является собственностью государства, не является самостоятельным товаром на рынке недвижимости.

4. Использование при осуществлении различных операций с недвижимостью разных видов цен (балансовая, инвентаризационная, рыночная, цена сделки и др.).

5. Доминирование государства в регулировании рынка недвижимости, проявляющееся в государственной регистрации смены прав собственников объектов недвижимости, лицензированием деятельности риэлторских организаций и индивидуальных предпринимателей-риэлторов.

6. Незначительная роль профессиональных объединений риэлторов в регулировании рынка недвижимости и защите прав и интересов риэлторских организаций и риэлторов.

7. Узаконенные государством защита частной собственности и гарантии прав собственников недвижимого имущества.

8. Наличие значительного количества электронных систем по информированию участников рынка недвижимости о заявках на покупку и продажу объектов недвижимости, что создает предпосылки для преобразования ряда из них в мультилистинговые системы рынка недвижимости.

9. Неодинаковый уровень развития рынка недвижимости в разных регионах республики (территориальная гипертрофированность рынка).

10. Низкий уровень развития института страхования сделок с недвижимостью при формальном его наличии.

11. Значительный удельный вес незарегистрированных посредников (черных маклеров) в общем количестве профессиональных участников рынка недвижимости.

12. Отсутствие Концепции развития рынка недвижимости, а также соответствующих краткосрочных программ, что приводит к принятию нормативных актов, дестабилизирующих работу профессиональных участников, ухудшающих качество риэлторских услуг, росту количества «черных маклеров», не уплачивающих налоги, – то есть росту теневого рынка и «пробуксовыванию» реформ.

В Узбекистане рынок недвижимости традиционно находился в ведении ведомства, осуществляющего управление государственным имуществом и приватизацию государственной собственности (Госкомимущество, Госкомконкуренции, Агентство по управлению государственными активами).

Так, созданная в апреле 1994 г. Республиканская биржа недвижимости находилась в ведении Госкомимущества, подготовка законопроектов в области риэлторской деятельности поручалась Госкомимуществу. Закон Республики Узбекистан «О риэлторской деятельности» был разработан Госкомимуществом. Все подзаконные акты по регулированию риэлторской деятельности после принятия закона (Постановление Кабинета Министров о лицензировании риэлторской деятельности, Положение о квалификационном сертификате риэлтора, стандарты в области риэлторской деятельности и др.) разрабатывались Госкомимуществом, а позднее Госкомконкуренции Республики Узбекистан, то есть ведомством, ответственным за управление государственными активами. Агентство по управлению государственными активами (правопреемник Госкомконкуренции) и в настоящее время в соответствии с законодательством остается уполномоченным государственным органом в области риэлторской деятельности (п. 1 Постановления Кабинета Министров РУ «Об утверждении положения о лицензировании риэлторской деятельности» от 10 мая 2011 г.).

Управлением лицензирования оценочной биржевой и риэлторской деятельности за период с 2010 по 2018 год накоплен огромный опыт регулирования риэлторской деятельности (организация подготовки кадров для риэлторской деятельности и повышение их квалификации, организация и проведение квалификационных экзаменов для лиц, претендующих на получение

ние квалификационных сертификатов риэлторов, разработка стандартов профессиональной деятельности риэлторов по различным видам услуг в указанной области, организация лицензирования организаций, претендующих на получение лицензии на риэлторскую деятельность, разработка методических документов, связанных с рынком недвижимости и риэлторской деятельностью, контроль за деятельностью риэлторских организаций и риэлторов и т.д.).

Однако в апреле 2018 г. были внесены изменения в законодательство, в соответствии с которыми с 1 июня 2018 г. функции по лицензированию риэлторской деятельности были переданы Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента. Сертификация риэлторов осталась в ведении Госкомконкуренции (ныне Агентство по управлению государственными активами). Передача лицензирования риэлторской деятельности серьезно дестабилизировала ситуацию на рынке недвижимости в республике, разрушила стройную систему легитимной де-

ятельности риэлторов, привела к взрывному росту «черных маклеров» на рынке недвижимости, расцвету целого класса предпринимателей, не декларирующих свои доходы и не уплачивающих налоги, свертыванию всех работ, связанных с развитием цивилизованного рынка недвижимости в стране.

Начиная с 1 июня 2018 г. на риэлторскую деятельность в стране не было выдано ни одной лицензии. Возникли проблемы с сертификацией физических лиц, изъявивших желание стать легальными риэлторами. Все это вызвало существенный рост нелегальных риэлторских организаций, осуществляющих свою деятельность без лицензий, без сертификатов и без какого-либо элементарного базового образования, не декларирующих свои доходы, не уплачивающих налоги, не несущих какой-либо элементарной ответственности перед потребителями риэлторских услуг.

Черные маклеры не несут никакой ответственности и за качество предоставляемых услуг. Пострадавшие от некачественных риэлторских услуг граждане в суды не обращаются, поскольку черные маклеры не заключают с клиентами договора. Предприниматели, поверившие государству, осуществившие большие затраты на переподготовку специалистов риэлторов, повышение квалификации, осуществившие определенные действия и существенные материальные затраты для

формирования необходимого уставного фонда с целью получения лицензий, ставшие на путь честного предпринимательства, оказались обманутыми государством, которое сначала предложило им получить лицензии, а потом перестало осуществлять лицензирование и соответствующий контроль за черными маклерами, обеспечив, таким образом, неконкурентоспособность легитимных риэлторских организаций и риэлторов.

Существует мнение, что лицензирование риэлторской деятельности в Узбекистане нужно отменить, поскольку бесполезно тратить усилия на борьбу с черными маклерами в связи с тем, что их трудно определить («поймать за руку»). Однако отмена лицензирования означала бы обесценение всех тех огромных усилий государства, которые оно предприняло в предыдущие годы для упорядочения риэлторской деятельности, начиная с разработки и принятия закона «О риэлторской деятельности», обучения риэлторов, их сертификации, разработки стандартов, внедрения отчетности и заканчивая внедрением цивилизованных отноше-

ний между риэлторами и потребителями риэлторских услуг. Отмена лицензирования означала бы, и являлась бы, свидетельством непоследовательной политики государства в отношении субъектов предпринимательства на рынке недвижимости и торжество нелегитимных посредников. Отмена лицензирования нанесла бы мощный удар по престижу государства, показав его слабость и беспомощность перед представителями теневого бизнеса. Этого нельзя допускать. Сделав первый шаг, необходимо идти дальше и добиваться конечного результата.

Вместе с тем, следует отметить, что каких-либо серьезных, существенных усилий, а также финансовых затрат для борьбы с нелегитимными посредника-

ми, формирования нового типа взаимоотношений между риэлторами и их клиентами, помимо принятия закона, и внедрения института лицензирования на рынке недвижимости, государство и не осуществляло.

О нецелесообразности отмены лицензирования риэлторской деятельности говорилось и на проведенном 5 августа 2019 г. Исполнительным комитетом Политического совета движения предпринимателей и деловых людей – Либерально-демократической партии Узбекистана, Агентством по управлению государственными активами, Ассоциацией риэлторских организаций Круглом столе «Рынок недвижимости и перспективы его развития». В частности, предприниматели из США Анает

Чаудхур и Эдуар Сулейманов, принявшие участие в работе Круглого стола, неоднократно подчеркивали, что в США, которые на сегодняшний день имеют самый развитый в мире рынок недвижимости, лицензирование риэлторских организаций существует, ему придается большое значение, и кроме того, практикующие риэлторы обязаны один раз в два года проходить повышение квалификации.

Для разрешения создавшейся проблемы в Узбекистане необходимо:

1. В целях сохранения накопленного опыта работы по сертификации, лицензированию, контролю за деятельностью риэлторских организаций и риэлторов, передать лицензирование деятельности риэлторских организаций и риэлторов Агентству по управлению государственными активами, то есть восстановить стройную систему регулирования риэлторской деятельности.

2. Преобразовать Отдел лицензирования оценочной деятельности и сертификации риэлторов Агентства по управлению государственными активами в Департамент по лицен-

Каких-либо серьезных, существенных усилий, а также финансовых затрат для борьбы с нелегитимными посредниками, формирования нового типа взаимоотношений между риэлторами и их клиентами, помимо принятия закона, и внедрения института лицензирования на рынке недвижимости, государство не осуществляло.



зированию оценочной и риэлторской деятельности.

3. Для обеспечения нормальных условий работы регулятивного органа предусмотреть в штате Департамента по лицензированию оценочной и риэлторской деятельности не менее 7 штатных единиц, а также выделение по одной штатной единице, ответственной за работу по контролю за деятельностью оценочных и риэлторских организаций и риэлторов в регионах страны в территориальных управлениях Агентства по управлению государственными активами.

4. Разработать и утвердить Концепцию развития рынка недвижимости в Республике Узбекистан на долгосрочный период, а также Программу («дорожную карту») развития риэлторской деятельности на 2-3 года, предусмотрев в них:

- жесткие меры борьбы и экономические санкции (штрафы) в отношении нелегальных риэлторов, работающих без лицензий;

- создание Национальной мультилистинговой системы рынка недвижимости при Ассоциации риэлторских орга-

низаций (тем самым будет снята проблема финансирования деятельности этой ассоциации);

- усиление роли саморегулируемой организации – Ассоциации риэлторских организаций республики, обеспечивающей защиты прав и интересов членов ассоциации – риэлторских организаций и риэлторов;

- инициирование подготовки и принятия закона Республики Узбекистан «О саморегулируемых организациях»;

- ужесточение требований к руководителям и сотрудникам риэлторских организаций в части знаний соответствующего законодательства;

- введение обязательного лицензирования консультационных и информационных риэлторских услуг на рынке недвижимости в связи с высокими рисками, возникающими у потребителей риэлторских услуг (инвесторов в объекты недвижимости) при осуществлении консультирования их со стороны риэлторов по вопросам выбора объектов недвижимости;

- создание условий для оформления взаимоотношений риэлторских организаций и риэлторов с потребителями риэлторских услуг путем заключения договоров, в частности, исключение обязательного требования о предоплате по договорам риэлторских организаций с потребителями риэлторских услуг;

- для повышения культуры обслуживания населения разработать и внедрить «Кодекс этики риэлтора», в котором должны быть закреплены основные морально-этические нормы поведения руководите-

лей и сотрудников риэлторских организаций и риэлторов;

- организацию проведения на системной основе разъяснения в средствах массовой информации опасности работы с нелегитимными риэлторами, создание специальных видеороликов в социальных сетях и на телевидении, выделение средств из бюджета на осуществление данных мероприятий;

- для повышения результативности борьбы с черными маклерами создать Межведомственную комиссию по координации и развитию рынка недвижимости Республики Узбекистан, работа которой сводилась бы не только к выработке предложений и распределению функций по пресечению нелегитимной деятельности на рынке недвижимости, но и к координации соответствующей деятельности всех государственных органов и общественных объединений, причастных к регулированию рынка недвижимости.

ABSTRACTS

ISSUES OF THE REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN, AND WAYS OF OVERCOMING THEM

In this article, the author gives an overview of the real estate market in Uzbekistan, shows the stages of its development, and also complains that today the market participants are basically "black brokers", whose activities are often outlawed, which leads to unpredictable results. The author also indicates ways to overcome the development problems of this market.





ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЁНҒИН ҲОДИСАЛАРИДАН СУҒУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ёнғин тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий жараён эмас, балки у табиатдаги турли кутилмаган ҳодисалар ёки инсонларнинг эҳтиётсизлиги натижасида юзага келадиган бахтсиз ҳодисадир. Ана шу бахтсизликнинг олдини олиш эса ҳар бир фуқаро, корхона ва ташкилотлардаги раҳбарлар ҳамда ходимларнинг ўз қўлида эканлигини унутмаслик ва шу мақсадда ёнғин қоидаларига риоя этиш зарур.

Жаҳон ёнғин статистикаси ташкилоти (CTIF) маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили ўртача 9 млн. ёнғин юз бериб, ёнғин-



Кумри Номозова,

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси

лар оқибатида 90 минг киши ҳалок бўлмоқда. Ўрта ҳисобда соатига 1000та (дақиқасига 17та) ёнғин содир бўлиб, 10 нафар инсон ҳаётдан кўз юммоқда.

Республикамиздаги ёнғинлар билан боғлиқ вазиятга тўхталадиган бўлсак, 1 кунда ўртача 38та ёнғин юз бераётганлиги, ҳар 2 кунда ўртача 1 нафар инсон ҳаётдан кўз юмаётганлиги, 2 кунда 3 киши тан жароҳати олаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ёнғинлар оқибатида келтириладиган зар-

ар эса 1 кунда ўртача 106 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Аксарият ҳолларда ёнғинлар оқибатида келтириладиган моддий зарарларни қоплаш давлат маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёнғинлар натижасида кутилмаганда юзага келган зарарларни қоплаш кўп ҳолларда тадбиркорлик субъектлари ёки аҳолининг моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли бундай моддий зарарларни



Республикамиздаги ёнғинлар билан боғлиқ вазиятга тўхталадиган бўлсак, 1 кунда ўртача 38та ёнғин юз бераётганлиги, ҳар 2 кунда ўртача 1 нафар инсон ҳаётдан кўз юмаётганлиги, 2 кунда 3 киши тан жароҳати олаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ёнғинлар оқибатида келтирилаётган зарар эса 1 кунда ўртача 106 млн. сўмни ташкил этмоқда.

қоплаш масалаларига ўзгача ёндашиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Бунда суғурта хизматларини тизимли йўлга қўйиш назарда тутилмоқда. Суғурталаш нафақат етказилган зарарни қоплашни, балки ёнғин ҳолатларининг олдини олиш тизимининг самарали механизмини йўлга қўйиш имконини беради.

Бугунги кунда дунёда ёнғинга қарши суғурталашнинг икки – ихтиёрий ва мажбурий турлари қўлланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида, аниқроғи 1993 йилда аҳолини қўшимча ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Вазирлар маҳкамасининг «Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида»ги 609-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилиб, ушбу суғурта орқали фуқароларнинг мол-мулкни ёнғиндан суғурталаш ҳам йўлга қўйилган эди. Ушбу қарор Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 22 ноябрдаги 413-сонли қарори билан бекор қилинган.

Тан олиш лозимки, бугунги кунда табиий офатлар ёки ёнғин сабабли мол-мулк ёки инсонлар ҳалок бўлиши ҳолатлари оммавий ахборот восита-

ларида кенг ёритилаётган бўлса-да, мазкур хавфлар бўйича суғурта тарифлари нисбатан арзонлигига қарамай, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида ўзларига қарашли мол-мулкни суғурта қилишга бўлган қизиқиш жуда паст даражада эканини эътироф этиш лозим. Бу ўз навбатида ёнғин ва бошқа ҳодисалар натижасида вафот этганлар ва жароҳат олганларнинг даволаниши, уй-жойни қайта тиклаши учун салмоқли миқдорда моддий ёрдам ажратилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ёнғинга қарши суғурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ҳозирда амалда бўлган ёнғин хавфсизлиги ва суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларида ҳам ёнғинга қарши суғурта кўзда тутилмаган. Айни пайтда мол-мулк суғурта қилинган ҳолдагина ёнғинга суғурта ҳодисаси сифатида қаралади, холос.

Кўп йиллар давомида биноларни оловга чидамли материаллардан қуриш, шундай материалларни ишлаб чиқаришга етарлича эътибор қаратилмаган. Аксинча, ёнғин хавфсизлигини маъмурий йўллар билан таъминлаш чораларини кўришга асосий урғу берилган. Ваҳо-

ланки, биноларни оловга чидамли материаллардан қуриш иқтисодий ҳимоя механизмларидан бири ҳисобланади.

Ёнғин ва бошқа табиий офатларга қарши суғурта тизимининг жаҳон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда ёнғинга қарши суғурта жами суғурталар миқдорининг 40 фоизини ташкил этади (табиий офатларга қарши суғуртадан кейин иккинчи ўринда туради). Ўзгарувчан табиий муҳитнинг мавжудлиги, вақти-вақти билан кучли торнадоларнинг юз бериб туриши америкаликларни ўз мол-мулкни ёнғинга қарши суғурта қилдиришга мажбур этган¹.

Ёнғинга қарши суғурта Ҳиндистонда мулкни суғурта қилдиришнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Бундай суғурта туридан асосан тадбиркорлар фойдаланадилар². Тадбиркорлар бу орқали ўз бизнесларига етказилиши мумкин бўлган зарардан ҳимояланадилар. Чунки Ҳиндистонда кутилмаган ёнғинлар (чақмоқ уриши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига етарли даражада амал қилинмаслиги, тез аланга олувчи маҳсулотлардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш) тез-тез содир бўлиб туради.

Юқорида келтирилган ҳар икки давлатда ёнғинга қарши

¹ Civil Security Technology, Vol. 8, 2011. No. 1 (27). P. 44.

² Aratija Dhavi. Importance of fire insurance. <https://medium.com/@aratijadhavi110/importance-of-fire-insurance-e26dc1598743>.

суғурта маъмурий йўллар билан эмас, бунга бўлган зарурий эҳтиёж туфайли кенг тарқалган.

Россияда 2010 йилда «Ёнғин натижасида етказилган зарар оқибатлари учун фуқаровий жавобгарликнинг мажбурий суғуртаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган³ ва ҳақиқатча муҳокама қилинмоқда.

Қирғизистон Республикасида 2012 йилдан буён «Ёнғин ҳолати бўйича капитал қурилиш эгаларининг фуқаровий жавобгарлиги мажбурий суғуртаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси муҳокама этиб келинмоқда⁴.

Юқорида келтирилган мисоллар кўчмас мулк суғуртаси етарлича ривожланмаган мамлакатларда маъмурий йўл би-

лан ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини жорий қилиш мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараён эканлигини кўрсатади. Қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг ўзи билан самарали тизим яратишнинг имкони йўқ. Дастлаб уларнинг амал қилиш механизми йўналишларини аниқ белгилаб олиш лозим. Шу сабабли ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини амалга киритишдан аввал қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

◆ ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бу бўйича концепция ишлаб чиқиш;

◆ ёнғин хавфсизлигига қарши кураш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда амалдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга ёнғинга қарши мажбурий суғуртанинг киритилиши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш;

◆ асосий эътиборни ёнғинга қарши суғурта тизими фуқароларнинг мол-мулки ва ҳаёти, тадбиркорларга қарашли мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш мақсадида жорий этилаётганлигига қаратиш;

◆ ёнғинга чидамли қурилиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва хусусий тадбиркорлик субъектларини мазкур фаолиятга кенг миқёсда жалб қилиш;

◆ мажбурий суғурта тизимини барча тоифадаги объектларга эмас, балки ёнғин келиб чиқиши эҳтимоли юқори бўлган объектларга нисбатан жорий этиш (осон ёнадиган материаллардан қурилган биналар, ёнғин келиб чиқиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудда жойлашган ва тез аланга олувчи, портловчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ёки ишлаб



Ёнғинга қарши суғурталашнинг ривожланиши натижасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча имкониятлар юзага келади, замонавий ёнғин хавфсизлиги тизимларини ҳаётга жорий этиш бўйича талаб ортади, суғурта қилувчи компаниялар суғурта ишларини амалга оширган ҳудудлардаги ёнғин хавфсизлиги хизматининг янада такомиллашувидан манфаатдор бўладилар ва улар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар, огоҳлантириш тадбирлари тизимли йўлга қўйилади.

³ https://www.mchs.gov.ru/law/Proekti_mchs/Nezavisimaja_antikorrupcionnaja_jekspert/Proekti_federalnih_zakonov/item/221849/

⁴ <https://www.cbd.minjust.gov.kg/act/preview/ru-ru/95478/10?mode=tekst>.



чиқаришда бу каби маҳсулотлардан фойдаланиладиган объектлар);

◆ мажбурий суғурта тизимида турли суиистеъмоллар, товламачилик, тамагирлик ва фирибгарлик каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларнинг бу тўғридаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланган алоҳида дастур ишлаб чиқиш.

Ёнғинга қарши суғурталашнинг ривожланиши натижасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча имкониятлар юзага келади, замонавий ёнғин хавфсизлиги тизимларини ҳаётга жорий этиш бўйича талаб ортади, суғурта қилувчи компаниялар суғурта ишларини амалга оширган ҳудудлардаги ёнғин хавфсизлиги хизматининг янада такомиллашувидан манфаатдор бўладилар ва улар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар, огоҳлантириш тадбирлари тизимли йўлга қўйилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида барча соҳалар қатори ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқлари ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан имкониятларга эга бўлиб бормоқда ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилмоқда.

2018 йилда давлатимиз раҳбари томонидан 18та давлатлараро расмий ташрифлар

2018 йилда давлатимиз раҳбари томонидан 18та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилиб, уларда 52 млрд. АҚШ долларилик 1080та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

амалга оширилиб, уларда 52 млрд. АҚШ долларилик 1080та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Юқоридаги ҳолатлар ўз ўрнида турли ишлаб чиқариш таваккалчиликлари билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз-ўзидан суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни ортттиради. Ишлаб чиқариш фаолиятида мавжуд бўлган таваккалчиликларнинг қуйидаги кўринишларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш таваккалчиликлари (ишлаб чиқаришдаги узилишлар); турли табиий, техноген ва экологик тусдаги офатлар юзага келиши билан боғлиқ таваккалчиликлар; инвестицион қобилятнинг пасайиши билан боғлиқ таваккалчиликлар; мол-мулкнинг йўқотилиши; молиявий таваккалчиликлар; ускуналарнинг ишдан чиқиши ёхуд шикастланиши; технологик жараён бузилиши; авариялар; ёнғинлар ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш натижасида кўриладиган зарарларни камайтириш, ушбу ҳодисалар натижасида ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиш даражасини камайтириш мақсадида турли тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Ишлаб чиқариш таваккалчиликларини бошқариш усулларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

◆ маблағ ҳамда ишлаб чиқариш асбоб-анжомлари ва ускуналари захираларини яратиш;

◆ меъёрлаштириш чораларини кўриш (стандартлаштириш, сертификациялаш, лицензиялаш) ва энг юқори хавфсизлик чораларини кўриш;

◆ суғурталаш.

Ишлаб чиқаришдаги таваккалчиликлар орасида турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин бўлган ёнғинлар алоҳида ўрин тутати. Чунки ёнғиннинг юзага келиши билан боғлиқ сабаблар ва омиллар жуда кўп. Бу айниқса ёниш ва портлаш хавфи юқори объектларда яққол кўзга ташланади. Йирик саноат корхоналарида юз берган авария ва ёнғинлар нафақат корхонанинг иқтисодий ҳолатига, балки атрофидаги бошқа корхоналар ва аҳолининг мулки ва соғлиғига жиддий зиён етказилади.

Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2018 йилда ишлаб чиқариш корхоналарида 63та ёнғин юзага келган бўлиб, уларнинг оқибатида 200 млн. сўмга яқин моддий зарар кўрилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш цехларида 167та, омборхоналарда 23та, савдо-сотик корхоналарида 285та, қишлоқ хўжалиги иморатларида 177та, бошқа иншоот ва қурилмаларда 140та, материалларни очиқ сақлаш жойларида 1602та ёнғин содир бўлган. 2018 йилда жами 11974та ёнғин ҳолати кузатилиб, шундан 90таси технологик жараён бузилиши натижа-

Ўзбекистон Республикасида юз берган ёнғинлар натижасида кўрилган зарарлар				
Йиллар	Ёнғинлар сони	Ҳалок бўлганлар	Жароҳат олганлар	Моддий зарар (млн. сўм)
2014	13638	179	583	3892,6
2015	13140	151	508	3500,1
2016	13002	139	464	3493,5
2017	12721	165	401	6834,5
2018	11974	135	373	8807,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари.

сида, 136таси эса авариялар натижасида юзага келган⁵.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, республикамизда фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида содир бўлаётган ёнғинлар уларнинг сони, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиш ҳолатлари бўйича камайиш тенденциясига эга бўлса-да, ушбу ёнғинлар натижасида ҳосил бўлаётган моддий зарарлар ҳажми ортиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги таваккалчиликлардан кўрилган зарарларни қоплашда Ўзбекистон суғурта компаниялари томонидан турли хил суғурта маҳсулотлари таклиф этилмоқда, бироқ амалиёт корхоналарнинг суғуртага катта ишонч билдирмаётганлигини кўрсатапти. Бунинг сабаблари сифатида корхоналарнинг суғурта хизматлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги, бу борада етарли тарғибот ишлари олиб борилмаётганлиги ва суғурта компанияларига бўлган ишончнинг пастлигини кўрсатиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнида ёнғинлар натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун

суғурта компаниялари махсус суғурта дастурларини ишлаб чиқишлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир чора-тадбирлар ҳақида»ги 271-сонли қарорига мувофиқ портлаш-ёнғин хавфи бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш белгиланган. Бунда мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлган объектлар сирасига хавфли ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ва ёнғин ҳамда портлаш хавфи мавжуд модда

ва материаллар кўп миқдорда сақланадиган, ишлатиладиган ёки йўқ қилинадиган объектлар киради.

Ҳозирги ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматларини замон талаблари асосида ривожлантириш, ушбу хизматларни нафақат йирик, балки ўртача, аммо ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ҳам йўлга қўйиш лозим.

Ёнғинга қарши суғурта хизматларининг мажбурий кўринишдаги тури йўлга қўйилиши нафақат ёнғинлардан келиб чиққан зарарни қоплашда, балки ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини кучайтириш ва бундан мулкдорнинг манфаатдорлигини оширишда ҳам ўз ижобий самарасини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ёнғинга қарши суғуртани тако-

Ҳозирги ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматларини замон талаблари асосида ривожлантириш, ушбу хизматларни нафақат йирик, балки ўртача, аммо ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ҳам йўлга қўйиш лозим.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари.

миллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф этамиз:


◆ ёнғиндан суғурталаш тушунчаси, унинг субъектлари, ёнғинга қарши суғурталашнинг мажбурийлиги, ёнғин натижасида фуқароларга етказилган зарарни қоплаш механизмлари каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган «Ёнғинга қарши мажбурий суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ишлаб чиқиш;

◆ хорижий давлатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Жанубий Корея) тажрибасидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини мажбурий суғурта қилиш тизимини яратиш мақсадида ёнғин, табиий ва техноген тавсифдаги фавқуллодда вазиятлар натижасида учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплашда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. Айни пайтда бундай тизим дунёнинг 14та давлатида, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Испания, Португалия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Латвия, Литва, Беларусь давлатларида амал қилмоқда;

◆ ишлаб чиқиш режалаштирилаётган «Маданий мерос тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига миллий, маданий ва тарихий ёдгорликларни ёнғин, табиий ва техноген ҳодисалардан суғурта қилиш механизмларини белгилаш;

◆ ёнғин, табиий ва техноген ҳодисалардан суғурталаш билан боғлиқ реклама маҳсу-

Ёнғинга қарши суғурта хизматларининг мажбурий кўринишдаги тури йўлга қўйилиши нафақат ёнғинлардан келиб чиққан зарарни қоплашда, балки ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини кучайтириш ва бундан мулкдорнинг манфаатдорлигини оширишда ҳам ўз ижобий самарасини кўрсатади.



лотларини оммавий тарғиб қилиш, телевидение ва радио орқали махсус кўрсатувлар ташкиллаштириш. Интернетнинг миллий сегментида ҳам ёнғинга қарши суғуртанинг ижобий ҳаракат эканлигини тарғиб қилувчи хабарларни мунтазам жойлаштириб бориш;

◆ ривожланган хорижий давлатлар суғурта компанияларининг ёнғин суғуртаси соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш мақсадида улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ёнғинга қарши суғурта тизимини яратиш ва йўлга қўйиш ҳам фуқаролар, ҳам юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ қутилмаган ҳодисаларнинг кескин камайишига олиб келади ва бунинг натижасида инсонлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ишлаб

чиқариш ва бошқа соҳалардаги фаолияти барқарорлигини таъминлашга эришилади.

ABSTRACTS

IMPROVEMENT OF INSURANCE AGAINST FIRE ACCIDENTS RELATED TO BUSINESS ACTIVITIES

In this article, the author analyzes and gives examples from the practice of insurance activities against a fire event, which today cause significant damage to the property of enterprises and individuals. The author also offers solutions to this issue, focusing on the fact that there is no separate legislative document aimed at legal regulation of this type of insurance.

«АГРОБАНК»ДА БАРЧАСИ ОНЛАЙН

Мамлакатимиз молия-банк тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турувчи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам аҳоли ва банк мижозларига янада қулай ва замонавий банк хизматларини амалиётга татбиқ этиш орқали тезкор, ишончли, инновацион банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратиляпти.

Шу кунларда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки мижозлар учун бир қатор қулай ва замонавий инновацион хизмат турларини жорий этаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Хусусан, яқинда пойтахтимиздаги «Hyatt regency» меҳмонхонасида «Агробанк» АТБ томонидан бир неча янги банк хизматларининг тақдими бўлиб ўтди. Шулардан бири республикада биринчи бўлиб йўлга қўйилган «Сбербанк-Агробанк онлайн пул ўтказмалари» янги хизмат туридир.

Мазкур тақдимотда «Агробанк» АТБ раҳбарияти, банк мижозлари ва ҳамкорлари,

тижорат банклари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимотда «Агробанк» АТБ Бошқарувчи директори – Бошқарув раиси ўринбосари Азамат Тўраев мазкур янги хизмат имкониятлари ва қулайликлари ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Таъкидландики, ушбу хизмат Россия ва Ўзбекистондаги иккита йирик банк – «Агробанк» ва «Сбербанк»ларнинг ҳамкорлиги доирасида жорий қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари орқали келаётган маблағларнинг асосий қисми Россия Федера-

цияси улушига тўғри келади. Шу сабабли Сбербанк билан ўзаро манфаатли ҳамкорликда ишлаш ва уни ишончли шерик сифатида танлаш энг мақбул йўлдир.

Шунингдек, мазкур банк нафақат Россияда, балки МДХ ва хорижий банклар ўртасида масофавий хизматлар кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлиб, халқаро рейтингларда ҳам юқори натижаларга эришган йирик банклардан бири ҳисобланади. Сбербанк билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа эса «Агробанк» ва унинг мижозлари учун кўп-кўп қулайликлар яратади.

Хусусан, эндиликда аҳоли пул жўнатиш ва уни олиш учун банк филиалларига бориши шарт эмас. Шу билан бирга, маблағни Россиядан Ўзбекистонга 24 соат давомида дам олиш кунлари ҳам юбориш мумкин. Шу кунга қадар Россиядан Ўзбекистонга пул жўнатиш вақт талаб этадиган жараён эди. Бунда пулни жўнатувчи аввал картадаги пулни олиб, кейин энг яқин банк бў-



«Агробанк» ҳозирги вақтда «P2P» хизмати ёрдамида маблағларни «Агробанк» пластик карталаридан Сбербанк пластик карталарига ўтказиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Тез орада ушбу хизматни «Agrobankmobile» иловаси ёрдамида ҳам амалга ошириш имконияти яратилади.



лимига ташриф буюрган ҳолда пул ўтказмаси тизимидан фойдаланарди. Ўз навбатида, маблағни олувчи ўзига энг яқин банк филиалини топиши ҳамда банк иш кунида вақт ажратиши керак эди. Бундан ташқари, Россиядан туриб Ўзбекистонга пул маблағларини юбориш учун учинчи шахс хизматларидан фойдаланишга ҳам тўғри келарди.

Эндиликда бу жараён автоматлаштирилган бўлиб, Россиядаги барча Сбербанк филиалларида ва «Сбербанк Онлайн» мобиль иловаси орқали амалга оширилади ва маблағлар Россия рублини автоматик равишда олувчининг, яъни «Агробанк»нинг «Хумо» пластик картасига сўмда онлайн тарзда ўтказиб берилади.

Кишида Ўзбекистонга пул жўнатиш учун нима қилиш

керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистондаги қабул қилувчининг телефон рақами киритилиб, рублда керакли сумма кўрсатилади ҳамда автомат тарзда телефон рақамига боғланган сўм пластик картасининг ҳисобига маблағ онлайн ўтказиб берилади.

Бунда Россия рублида қабул қилиб олинган маблағ автомат тарзда сўм пластик картасига миллий валютада конвертация қилинади.

Фойдаланувчилар юборилган маблағлардан мамлакатимиздаги барча савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўлов терминаллари орқали савдо қилишда ҳамда уларни банкоматлардан нақд пул маблағлари кўринишида ечиб олишда ёки «Agrobankmobile» иловасини



қўллаб тўловларни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, «Агробанк» ҳозирги вақтда «P2P» хизмати ёрдамида маблағларни «Агробанк» пластик карталаридан Сбербанк пластик карталарига ўтказиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Тез орада ушбу хизматни «Agrobankmobile» иловаси ёрдамида ҳам амалга ошириш имконияти яратилади.

Шунингдек, банк томонидан яна бир янги онлайн хизмат йўлга қўйилди. Эндиликда тадбиркорлар кредит олиш учун банкка бориб сарсон бўлишлари шарт эмас. Уларга масофадан туриб кредит олиш имконияти яратилди. Бундай



қулай хизматдан «Агробанк» мижозлари бемалол фойдаланишлари мумкин. Бу ҳақда банк томонидан ташкил этилган «Онлайн кредит» хизмати тақдмотида кенг фикр юритилди.

Мазкур хизмат асосан юридик шахсларга мўлжалланган бўлиб, ундан тадбиркорлик субъектлари «Agrobank mobile» мобиль иловаси ёки «Интернет банкинг» тизими орқали фойдаланишлари мумкин.

Банк шартларига кўра, «Онлайн кредит» мижоз ҳисобрақамидаги маблағлар 6 ойлик айланмасининг 1 ойлик ўртача миқдоридан тақдим этилади. Бунда мижознинг асосий ҳисобрақами «Агробанк»да очилган бўлиши лозим. Шунингдек, 50 млн. сўмгача бўлган маблағ кредит таъминотисиз берилди. Ундан юқори бўлган кредит маблағлари учун эса суғурта полиси талаб этилади. Бунинг учун банкка келиб суғурта полисини тақдим этиш шарт эмас, фақатгина «Agrobank mobile biznes» иловаси ёки «Интернет банкинг» тизимидан мижоз ўзига қулай бўлган суғурта компаниясини танлаши кифоя. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, буларнинг барчаси онлайн тарзда амалга оширилади.

Банк томонидан юридик шахслар учун яна бир қанча янги банк хизмат турлари жорий этилган. Жумладан, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар «Agrobankmobile-biznes» мобиль иловаси орқали ўзла-



рининг ҳисобрақамидаги маблағларни тасарруф этиш (бошқариш), товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш, вақт ва транспорт харажатларини тежаган ҳолда банкка тўлов ҳужжатларини юбориш, исталган муддат учун ҳисобрақамлардан кўчирмалар олиш ва турли ҳисоботларни шакллантириш ва бошқа имкониятларга эга бўлдилар.

Шунингдек, банкда хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликлари пахта ва ғалла етиштиришда минерал ўғит ва ёқилғи учун тўловларни таъминотчи корхоналарга «Хумо» миллий тўлов тизими асосида ишлаб чиқилган махсус корпоратив банк кредит карталаридан ўтказиш жорий этилди ва бугунги кунда 119 минг данадан зиёд махсус карталар фермер хўжаликлари тарқатилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари учун айланма маблағларни тўлдиришга тақдим этиладиган овердрафт кредитлари жорий қилинган. Экспортёр корхоналар учун эса нақд пулда экспорт ва экс-

порт олди молиялаштириш жараёни учун кредит олиш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, «Агробанк» АТБ томонидан бу каби саъй-ҳаракатлар аввало хизматлар сифатининг яхшиланишига, уларнинг оммабоплигига ва кўлами кенгайишига замин бўлиши билан бирга аҳоли ва мижозлар учун банк хизматларидан самарали фойдаланишда ҳам кенг имкониятлар яратади.

ABSTRACTS

ALL ONLINE AT AGROBANK

Agrobank is introducing a number of convenient and modern banking services to its clients, and their benefits have been demonstrated in a number of recent bank presentations. And our reporter narrates about one of them – “Online Sberbank-Agrobank Online Money Transfer”, which was first launched in our republic.

Бобур Муҳаммадиев тайёрлади.



**БОЗОР,
ПУЛ ВА
КРЕДИТ**

Ойлик

илмий-амалий

журнал

Обуна индекси: 853

Сизни қизиқтирган барча саволларга тахририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

+998 71 291 60 20;

+998 97 752 44 77

«БПК» журнализга 2020 йил учун обунани
бугуноқ расмийлаштиринг.
Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт
ва молия, уларнинг ривожланиши
ва иштиқболлари борасида бир қадам
олдинда юринг!

01 853 ВРК UZ



Внимание! Просим Вас:

1. Указать номер Вашего договора. Номером является Ваш ИНН.
2. Заполнить договор, указать реквизиты, поставить печать и подпись руководителя.
3. Копию оформленного договора отправьте на электронную почту **info@bpk.uz**

ДОГОВОР-СЧЕТ № _____ на осуществление подписки и доставку печатного издания

г. Ташкент

«__» _____ 201__ г.

ООО «Бозор, пул ва кредит», именуемое в дальнейшем «ИСПОЛНИТЕЛЬ», в лице директора Безгина Г.Н., действующего на основании Устава, с одной стороны, и _____, действующего на основании _____ в дальнейшем «ЗАКАЗЧИК» в лице _____, с другой стороны, заключили настоящий договор о нижеследующем:

1. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА.

1.1. «ЗАКАЗЧИК» поручает, а «ИСПОЛНИТЕЛЬ» принимает на себя обязательства по осуществлению подписки и доставки «ЗАКАЗЧИКУ» следующих печатных изданий в 2020 году:

Инд.	Наименование печатного издан.	Кол-во компл.	Цена 1 экз. на 1 месяц	Месяцы												Сумма (сум)	
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
853	Журнал «Бозор, пул ва кредит»		43 200 сум														
<i>(Отметить кол-во проплат. номеров)</i>																	
ВСЕГО																	
Годовая подписка на 1 экземпляр 518 400 сум																	

Всего к оплате:

1.2. Доставка печатных изданий осуществляется по адресу банка, обслуживающего «ЗАКАЗЧИКА».

1.3. Срок действия настоящего договора устанавливается с даты его подписания по дату получения заказчиком последнего оплаченного номера журнала «БПК» за 2020 г.

2. ПОРЯДОК РАСЧЕТА.

2.1. «ЗАКАЗЧИК» производит предоплату «ИСПОЛНИТЕЛЮ» в размере 100% от суммы Договора в срок не позднее «31» декабря 2019 г.

3. ОБЯЗАННОСТИ СТОРОН.

3.1. «ИСПОЛНИТЕЛЬ» обязан:

3.1.1. Своевременно доставлять печатную продукцию до обслуживающего банка «ЗАКАЗЧИКА».

3.1.2. В случае недополучения подписного издания, безвозмездно и в срок не позднее 30 (Тридцати) дней с момента получения от «ЗАКАЗЧИКА» соответствующего акта возместить «ЗАКАЗЧИКУ» недопоставку, либо заменить бракованные экземпляры соответствующим количеством экземпляров Издания.

3.2. «ЗАКАЗЧИК» обязан:

3.2.1. Произвести оплату по данному договору до «31» декабря 2019 г.

3.2.2. В срок не позднее 10 дней со дня оплаты по данному договору отправить на электронный адрес **info@bpk.uz** оформленную копию.

4. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН.

4.1. В случае расторжения договора по инициативе «ЗАКАЗЧИКА», «ИСПОЛНИТЕЛЮ» выплачивается неустойка в размере 10% от подписной стоимости издания.

4.2. «ЗАКАЗЧИК» обязан своевременно получать очередные номера печатного издания в обслуживающем его банке (указанном в главе 6 «Реквизиты сторон»).

5. ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЕ УСЛОВИЯ.

5.1. Оригинал абонемента на доставку печатных изданий будет передан «ЗАКАЗЧИКУ» с первым номером журнала.

5.2. Очередной номер печатного издания выходит в сроки, определяемые объемом и комплектностью материалов, предназначенных к печати, а также графиком их поступлений в редакцию.

5.3. Действие Договора может быть прекращено по взаимному соглашению сторон. После расторжения Договора стороны обязаны в течении 30 (тридцати) календарных дней завершить все взаиморасчеты по взятым обязательствам и платежам.

5.4. Любые споры и противоречия, которые могут возникнуть в связи с настоящим договором, решаются сторонами путем переговоров. Если не удастся достигнуть соглашения, спор передается на рассмотрение в Экономический суд г. Ташкента.

5.5. Настоящий договор подписан без исправлений и приложений в двух экземплярах, имеющих одинаковую силу, по одному для каждой из сторон.

6. РЕКВИЗИТЫ СТОРОН:

«ЗАКАЗЧИК»

Адрес: _____
Тел.: _____
Р/счет _____
Банк: _____
МФО _____
ОКЭД _____
ИНН _____

(Ф.И.О.)

(Подпись)

М.П.

«ИСПОЛНИТЕЛЬ»

ООО «Бозор, пул ва кредит»
Адрес: 100105, г. Ташкент, ул. Толлимаржон 1/1.
Тел.: +998 71 291 60 20,
+998 97 752 44 77 (моб.)
Р/счет 20208000100189255001
В Таш. обл. ф-л Микрокредитбанк
МФО 00455
ОКЭД 58140
ИНН 201897491

Директор Безгин Г.Н.





25
YIL
MENING
BANKIM!

MILLIY VA XORIJIY VALYUTADA
PLASTIK KARTALAR OCHISH

ОТКРЫТИЕ ПЛАСТИКОВЫХ КАРТ
В НАЦИОНАЛЬНОЙ
И ИНОСТРАННОЙ ВАЛЮТЕ



Тел.: (+99878) 140-00-88
www.trustbank.uz

Услуги лицензированы

Узб. 42682с.



ПОДДЕРЖИВАЕМ И РАЗВИВАЕМ МАЛЫЙ БИЗНЕС ВМЕСТЕ



Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан в рамках совместной программы с Европейским банком реконструкции и развития предлагает кредиты субъектам малого бизнеса. Кредиты выдаются индивидуальным предпринимателям и юридическим лицам, осуществляющим свою деятельность более 6 месяцев.

[uznbu](#)

[nbu_official](#)

[@nbu.official](#)

[www.nbu.uz](#)

78 148 00 10

Услуги лицензированы